

YO'LDOSH ABDULLAYEV,  
SHAROFAT YO'LDOSHEVA

# YANGI ALIFBO VA IMLO

*O'QUV QO'LLANMA*

*O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi  
vazirligi nashrga tavsiya etgan*

TOSHKENT — „O'QITUVCHI“ — 2000

Мазкур қўлланма янги алифбони ўрганувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда ҳар бир ҳарфнинг ёзма ва босма шакллари, кичик ва бош ҳарфларнинг бир-бирига ҳуснихат қоидалари асосида тугаштириб ёзилишига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, саводхонлик, ўқиш кўникма ва малакаларини ошириш мақсадида қўлланмада шеърлар, ҳикматли сўзлар, ривоятлар ва бошқа матилар берилган.

Қўлланма янги алифбони мустақил ўрганувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тақризчи — Низомиддин Маҳмудов,  
филология фанлари доктори, профессор

Ушбу нашрга доир барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинади ва нашриётга тегишлидир. Ундаги матн ва расмларни нашриёт розилигисиз тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш тақиқланади.

A 4306020200—24  
353(04) — 2000 ахб. хати — 2000

ISBN 5—645—03472—4

© „Ўқитувчи“ нашриёти, 2000

YANGI O'ZBEK ALIFBOSI.

Aa Bb Dd Ee Ff

*Aa Bb Dd Ee Ff*

Gg Hh Ii Jj Kk

*Gg Hh Ii Jj Kk*

Ll Mm Nn Oo Pp

*Ll Mm Nn Oo Pp*

Qq Rr Ss Tt Uu

*Qq Rr Ss Tt Uu*

Vv Xx Yy Zz O'o'

*Vv Xx Yy Zz O'o'*

G'g' Sh sh Ch ch Ng ng

*G'g' Sh sh Ch ch Ng ng*



*Отам Абдулла Холмухамедов  
ва Онам Тўхтаббининг  
хотираларига бағишлайман.*

## МУҚАДДИМА.

Ўзбекистон Республикасида 1993 йил 2 сентябрда „Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий қилиш тўғрисида“ қонун қабул қилинди.

Маълумки, лотин алифбоси асосидаги ёзув жаҳонга кенг тарқалган.

Қадимги Римда пайдо бўлиб, милoddан олдинги II асрда такомиллашган лотин алифбосидан бизнинг давримизда жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакат халқи фойдаланади. Бундан 30 дан ортиғи Оврўпо, 20 дан зиёди Осиё, 20 дан кўпи Африка қитъаларидаги давлатлар халқларидир.

Дунёда 5000 хил тил бор. Булардан 6 таси халқаро тил сифатида тан олинган. Бундан 3 тасининг ёзуви лотин алифбоси асосида (инглиз, француз, испан), 3 тасининг ёзуви эса 3 хил: рус тилиники кирилл алифбосида, араб мамлакатлариники араб алифбосида, хитой тилиники эса иероглифик ёзувдир.

Мустақил Ўзбекистонда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига қайта ўтилиши қўйидаги каби қулайликларни яратди:

— эски ўзбек ёзувида — араб-форс алифбосида ҳарфлар сони 28 (32)та, шунингдек, кирилл алифбосида ҳарфлар сони 33 та бўлиб, ўзбек тилида бўлмаган нутқ товушларини ифодаловчи ҳарфлар ҳам бор эди. Бу ҳол янги ўзбек алифбосида йўқ (ҳарфлар сони 26 та, уч хил нутқ товуши ҳарфлар бирикмаси билан ифодаланди);

— хат-савод ўргатишга сарфланадиган вақт бирмунча қисқарди;

— компьютерларда ишлаш ва улардан кенг фойдаланишга имкон берди; .

— ёшларнинг халқаро тилларни (улар 6 та) ўрганишларида қулайлик яратди.

Хуллас, янги ўзбек алифбоси, „Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида“ги қонунда кўрсатилганидек, „...Республикамизнинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникацияси тизимига киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади“.

Лотин алифбоси асосидаги ёзувларнинг халқаро мавқеи борлигини октябрь тўнтаришининг дастлабки йилларидаёқ тошкентлик зиёлилардан Маҳмуд Ҳодиев — Боту, С. Усмонхўжаев (Усмонов), Е. Д. Поливановлар тўлиқ англаган эдилар.

Лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзуви масаласи Туркистон республикасида 1921 йил 18—21 январда Тошкентда ўтган Туркистон ўзбекларининг алифбо ва имло қурултойида ҳам ўртага қўйилган.<sup>1</sup>

**Бухоро тил ва имло қурултойи.** Бухоро Халқ республикасида (1920 йил 2 сентябрь), ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида бўлганидек, мактаб-маориф ишларини ривожлантириш, дарсликлар ва бошқа ўқув ашёлари билан таъминлашга имкониятлар етарли эмас эди. Туркистон Республикасида нашр қилинган ўқув қўлланмалардан фойдаланишга эса уларнинг ислоҳ қилинган алифбо ва имлода чоп қилиниши монелик қилар эди.

Мазкур қийинчиликларнинг олдини олиш учун 1923 йил Бухоро шаҳрида Ўрта Осиё ўзбеклари алифбоси ва имлоси масаласи юзасидан қурултой (конференция) ўтказишга қарор қилинади. Қурултой 3—9 октябрь кунлари Бухоронинг Кўкалдош мадрасасида ўтади. Бу илмий анжуманга Туркистон Халқ маориф комиссарлигининг расмий йўлланмаси билан раҳбар ҳамда тил ва имло мутахассисларидан Халил Дўстмуҳамедов (Туркистон Жумҳурияти Халқ маорифи комиссарлигининг билим кенгаши бошлиғи (қозоқ), Бекжон Раҳмон (Хива), Тошкентдан машҳур тилшунос, профессор Евгений Дмитриевич Поливанов, Шокиржон Раҳимий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Элбек (Машриқ Юнусов), Қаям Рамазон қатнашадилар. Қурултойда Бухоро Халқ республикаси Халқ маорифи ноизи Мусо Саиджонов фаол қатнашади.

М. Абдурашидхоновга бундай ҳужжат берилган эди: „Мунаввар қори Абдурашидхонов 1923 йил 2 октябрда Ўзбек билим кен-

<sup>1</sup> Қаранг: Yo'ldosh Abdullayev, „Hamrohim“, Toshkent, „O'qituvchi“ nashriyoti, 1996.

гагининг хизматчиси... Туркистон жумҳуриятининг Халқ маориф комиссарлиги томонидан Бухоро шаҳрига имло йиғилишига вакил қилиб юборилган“.

Мазкур анжуманга неча киши қатнашганлигини аниқлай олмадик. Ишга раҳбарлик қилганлар йиғин ўтказилган кунлари олинган суратда 16 киши. Булардан Тошкентдан келганлари 9 киши. Бухороликлардан Халқ маориф нозири М. Саиджоновдан бошқаларнинг исм-шарифини аниқлай олмадик.

Бухоро алифбо ва имло қурултойи масаласи 1925 йил 8—10 май кунлари Ўзбекистоннинг пойтахти Самарқанд шаҳрида ўтган ўқитувчиларнинг 1-қурултойида қўзғалган. Қурултой қатнашчилари Ўзбекистон Халқ маориф комиссарлиги коллегиясидан (маориф комиссари Раҳим Иноғомов) Бухоро алифбо ва имло кенгашининг қарорлари мажбурий эканлиги тўғрисида фармойиш чиқаришни талаб қилганлар.<sup>1</sup> Бу талабни амалга ошириш юзасидан Маориф комиссарлигининг Академик маркази бошлиғи Абдурашид Абдужабборов 1925 йил 27 июнда Бухоро облоно мудири Холмуродовга қуйидаги телеграммани юборган: „Акцентр Бухоро имло қурултойининг барча материаллари қарорини тезда юборишни илтимос қилади.“<sup>2</sup>

Аслида эса Туркистон Республикаси Халқ маориф комиссарлиги Бухоро алифбо ва имло қурултойи материалларини 8 саҳифалик китобча тарзида Тошкентда Туркдавнашриётда 1923 йилда нашр қилдирган эди.

Бу ҳужжатда ҳам мана булар ёзилган: „Туркистон Жумҳурияти маориф комиссарлигининг Туркистон ўзбекларининг имлолари тўғрисидаги берган буйруғи:

Туркистон Жумҳуриятининг Маориф комиссарлиги ўзининг 1923 йил 18 октябрь 74-сонли ва 1-моддали қарорида Ўрта Осиё ўзбекларининг Бухоро шаҳрида 1923 йил 2—9 октябрда бўлгон имло конференциясининг имло тўғрисида берган қарорин қарор деб топиб, тасдиқ этадир ҳам бутун Туркистон ўзбекларининг илмий уюшма ва мактабларида шул имлони қабул қилмоққа буюрадир:

<sup>1</sup> Ўз. Давлат Марказий архиви, 94- фонд, сақланиш бирлиги 32, 72- бет.

<sup>2</sup> Ўз ДМА, 94- фонд, сақланиш бирлиги 2632, 2- бет.

1. Ўзбек тилидаги чўзилмайтургон (ундош фонемалар назарда тутилган) ҳарфларнинг сони 24 бўлуб, ушбу қуйидагича белгиладир (ўзбек тилидаги 24 хил ундош товуш арабча ҳарфлар билан кўрсатилган.— Й. А.).

2. Чўзғи (унли) ҳарфларнинг сони ҳозирча 6 бўладир (6 хил белги берилган. Ҳозирча 6 бўладир, дейилганда 3 унли товушнинг тил олди ва тил орқа вариантлари сони назарда тутилган бўлса керак. — Й. А.).

3. Ёт ҳарфлар, яъни ўзбек сўзларида ишлатилмайдурғон ҳарфлар ўзбек ёзувидан бутунлай чиқариладирлар...

4. Ҳарфларнинг шакли туб бир, яъни бош ҳарф билан ёзиладир. (Бунда арабча ҳарфларнинг сўз бошида ёзилиш шакли назарда тутилган.)

6. Туркий сўзларнинг ҳар бирида бўлғони каби ўзбек сўзларида ҳам қалинлиқ ва ингичкалиқ қоидасига тобе тутиладир, масалан: *мақола — моқоло, қабул — қобул, хабар — хобор* каби.

Эскартиш: ўзбекчалашиб кетган чет сўзлар эшитилганича ёзиладирлар, масалан: *табақ — тобоқ, бақол — баққол, савод — совод* каби.

9. Муқаддас сўзлар эски шакларида ёзиладирлар, масалан: *Аллоҳ, Муҳаммад, Қуръон* каби...

11. Имло конференцияси ҳарфларнинг техникески ёқларин ишлаб чиқишни ҳам қалинлиқ ва ингичкалиқ тўғрисида яна текширишда бора беришни Туркистон Жумҳуриятининг Ўзбек билим ҳайъатига топширадир.

Туркистон Жумҳуриятининг Маориф комиссари А. Каримов.

Туркистон Жумҳурияти Билим кенгашининг бошлиғи Х. Дўстмуҳамедов.

Туркистон Жумҳурияти Ўзбек билим ҳайъати бошлиғи Элбек (Машриқ Юнусов), мучалари: Шокиржон Раҳимий, Вадуд Маҳмудий<sup>1</sup>.

Демак, Туркистон ва Бухоро республикалари биргаликда ислоҳ қилинган араб алифбоси ва шу асосда ўзбек тили имло қоидаларини ўз даври илми савиясида ҳал қилишлари ўзбек тили нутқ

<sup>1</sup> Ўз ДМА, 34- фонд, сақланиш бирлиги 2114, 28- бет.

маданиятини ривожлантиришда маълум аҳамият касб этган. Ўзбек алифбосини яратиш йўлида араб тили алифбосидан ўзбек тилига хос бўлмаган товушларни ифодаловчи ҳарфларнинг чиқариб юборилиши тарихий воқеа бўлган.

Туркистонда араб алифбосини расмий ислоҳ қилиш масаласи октябрь тўнтаришидан сўнг бошланган, чунончи: 1918 йил 16 августда Тошкентда ўтган ўзбек маориф ходимлари 1- қурулойда мазкур масала ҳам ўртага қўйилган. Бу тўғрида 1919 йилда 1-нашри чиққан „Совға“ алифбе китобининг муаллифи Шокиржон Раҳимий бундай ёзган эди: „Биринчи мусулмон маориф қурултойида берилган қарор юзасидан „алифбо“да янгилиқ даврига одум отувда биринчилиқни ушбу „Совға“миз олди...

Ёш болаларни адаштурмасун учун „Усули маддия“ алифболарида бўлғонидек, бир ҳарфни „бош, ўрта, ёлғиз, охир“ деб тўртга бўлмасдан, р, з, в каби (арабча) ҳарфларни биргина шаклда, бошқаларини кичик ва катта оти билан иккигина шаклда олинди.“<sup>1</sup>

Бугина эмас, бу алифбе китобида ўзбек тилига хос унли товушларни ифодалаш учун махсус белгилар ҳам қўлланган.

Бухоро имло қурултойининг қароридан аён бўлдики, араб алифбоси асосидаги ўзбекча ёзувда ҳар бир товуш-ҳарф учун бир белги қўлланиши ҳақида тўхтамга келинган.

Ўзбек тили имлоси масаласи 1919 йил 18 январда Тошкентда ўтган Туркистон ўзбекларининг тил ва имло қурултойида ҳам муҳокама қилинган ва маълум тўхтамларга келинган.

Хуллас, 1918 йилдан ўзбек тили ёзувида *ислоҳ қилинган араб алифбоси* тушунчаси пайдо бўлган, аммо имлодаги ҳар хилликка барҳам берилмаган. „Эски имлочилар“ ва „Янги имлочилар“ ораларидаги баҳс давом этаверган.

Туркистон ҳамда Бухоро алифбо ва имло қурултойлари ўзбек тили алифбоси ва имлосини яратишнинг илк босқичи бўлган. Бу ишлар орадан кўп вақт ўтмай (1927 йилдан), Ўзбекистонда лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбоси ва имлосига ўтишни бирмунча осонлаштирган.

---

<sup>1</sup> Шокиржон Раҳимий. „Совға“, расмий алифбо, Туркистон жумҳуриятининг давлат нашриёти, 3-нашри, Тошкент, 1921, 5-бет. („Китобнинг тузилиши“ дан.)

Республикада лотин ҳарфларига асосланган янги ўзбек алифбосини жорий қилиш бошлангач (1927), Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлари Кенгаши 1928 йилда „Давлат аппаратини ўзбеклаштириш“ („Об узбекизации государственного аппарата“ (№ 20 — СУ) ва „Ўзбек тилини мажбурий ўрганиш“ („Об обязательном изучении узбекского языка“ (№ 171 — СУ) қарорлари қабул қилинган. Давлат ташкилотларида, чунончи, Халқ маориф комиссарлигида ҳам ўзбек тилини ўрганиш курслари ташкил қилинган. Бунга комиссарликдаги айрим ходимлар монелик кўрсатганлар. Бу масала комиссарлик ишлаб чиқариш ҳамда касаба ташкилоти мажлисларида муҳокама қилинган. Хуқуқни ҳимоя қилиш муассасаларида „Дело норкомпроса“ деб номланган иш мазкур масаладан сўнг бошланган.

Собиқ Шўро ҳукуматининг 1937 йил 13 мартда „Миллий республикалар ва вилоятларда рус тилини мажбурий ўргатиш тўғрисида“ („Об обязательном изучении русского языка в школах национальных республик и областей“) қарори чиққан.

Шу ҳужжат асосида ЎзССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлар Советининг „Ўзбек мактабларида ва русча бўлмаган бошқа мактабларда рус тилини мажбурий ўргатиш ҳақида“ 1938 йил 3 апрелда, шунингдек, Халқ Комиссарлар Совети ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг „Ўзбек мактабларида ва русча бўлмаган бошқа мактабларда рус тилини мажбурий ўргатишнинг амалий тадбирлари ҳақида“ги қарорлари матбуотда берилган. Ўзбекистон Халқ маориф комиссари Қодир Абдуллаев ва муовини Ғаффор Шерғозиев халқ душмани деб ишдан олинади. Комиссар қилиб Т. Н. Қори Ниёзий, муовин этиб комиссарликнинг бўлим бошлиғи Е. В. Рачинская тайинланади. Мактаб ўқув режалари қайта кўриб чиқилади.

Ўзбекистон партия ва ҳукумат раҳбарлари мактабларда рус тили ўқитишни яхшилаш тадбирларидан бири лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек алифбосини рус алифбоси билан алмаштириш, агар шундай қилинса, рус тилини ўрганиш осонлашади, деган фикрга келганлар. Ўзбекистон Олий Советининг 1940 йил 8 майда бўлган сессиясида „Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алифбедан (алфавитдан) ўзбек ёзувини янада юксалтириш ва ривожлантириш

воситаси бўлган рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбесига (алфавитига) кўчириш ҳақида қарор“ қабул қилинади ва „Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алифбедан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбесига кўчириш тўғрисида“ қонун чиқади; 4 июлда имло қоидалари тасдиқланади. Тўрт моддадан таркиб топган мазкур қонунда Республикада лотинлаштирилган ёзудан (1927—1940) янги алифбога кўчиш ишларининг ҳаммасини 1942 йил 1 январгача тугатиш мажбурияти кўрсатилади.

Демак, алифбо ва имлони алмаштиришдек мураккаб иш учун бир ярим йил вақт бериб, тадбирларни тезроқ бажарилганлиги ҳақида „юқори“га „рапорт“ учун шошма-шошарлик билан иш қилинган эди.

Шу орада 1941 йил 22 июнда уруш бошланди. Ҳамма иш фронт учун сафарбар қилинди...

Маълумки, ҳар бир киши, шу жумладан, зиёли-ю ўқувчилар, ўз она тилинигина эмас, хорижий тилларни ҳам билиши давримизнинг ҳаётий заруриятига айланди. Тилларни билиш кишининг маърифий-маънавий ва илмий-маданий даражасининг кўрсаткичидир. Бунда мажбурийлик эмас, ихтиёрийлик тамойилига риоя қилишнинг манфаати кўпроқ бўлади.

Ҳозир 75-80 ёшга борган маҳаллий миллатларга мансуб кишилар Шўро даврида ўз умрлари давомида 4 хил алифбода хат-савод ўрганишга мажбур бўлдилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач (1991 йил 31 август), алифбо масаласи ўртага қўйилиб, кенг муҳокама қилинди. Натижада 1993 йил 2 сентябрда, юқорида кўрсатиб ўтганимиз, „Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий қилиш тўғрисида“ қонун қабул қилинди. Республикада янги алифбо ва шу алифбо асосидаги имло қоидаларига ўтиш юзасидан катта тайёргарлик ишлари бошланди. Бу масала юзасидан давлат дастури ҳозирланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кенг муҳокама қилинган „Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари“ни 1995 йил 24 августда тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди. 1996-1997 ўқув йилининг бошидан 1-синф ўқувчилари янги алифбо ва имло асосида ўқитила бошланди. Фалакнинг гардишига қарангки, 1927-1928 ўқув йили бошидан ўзбек мактаб-

ларининг 1- ва 3- синфларида таълим лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзувида олиб боришга киришилган эди. Бу иш 70 йилдан сўнг яна такрорланди.

Мустақил Ўзбекистонда янги ўзбек алифбоси ва имлосига ўтиш масаласи оқилона ҳал қилинди: бу ишнинг шошма-шошарлик билан эмас, босқичма-босқич амалга оширилиши қатъий белгиланди, 2005 йилнинг 1 сентябрида ушбу янги алифбо ва имлога тўлиқ ўтиб бўлиниши кўрсатилди.

Янги алифбо ва имлога ўтишдек мураккаб ишда жамоатчиликка ёрдам бериш нияти билан қўлингиздаги „Янги алифбо ва имло“ ўқув қўлланмаси нашрга ҳозирланди. Бу қўлланма „Ҳамроҳим“ ва „Совга“<sup>1</sup> нинг тадрижий такомилidir.

„Янги алифбо ва имло“да графикадан (бош (катта) ва кичик ёзма ҳамда босма ҳарфларнинг шаклини ёзиш) ташқари, тил ҳақидаги фаннинг фонетика қисми билан боғлиқ имло масалаларини ёритишга кўпроқ эътибор берилди. Бу масала ўзбек тилидаги нутқ товушларини тўғри талаффуз қилиш билан узвий боғлиқдир. Бундан ташқари, „Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари“ янги ўзбек алифбоси асосида ёзилган. Унда кирилл алифбосида бўлган Я, Ю, Е, Ё, Ц ҳарфлари, айириш ва юмшатиш белгилари билан ёзиладиган сўзлар янги алифбо асосидаги ёзувда қандай ёзилиши қоидалари ўз ифодасини топмаган. „Ўзбек тилининг имло луғати“ муаллифлари мазкур масалага қуйидагича ёндашганлар: „Бу ҳарфлар ва белгилар қатнашадиган сўзларни лотин алифбосида қандай ёзиш кераклиги имло қоидаларида таъкидланмади. Бундай сўзларнинг тўғри ёзилиши, аввало, имло луғатида ўз аксини топади ва алифбони ўргатиш мақсадида яратилган ўқув қўлланмасида баён қилинади.“<sup>2</sup>

Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида қўлланадиган ўзлашма сўзлар (бунда рус ва рус тили орқали оврупо тилларидан ўтган сўзлар назарда тутилади) янги ўзбек алифбоси ва имлосида

<sup>1</sup> Yo'ldosh Abdullayev, „Hamrohim“, „Sovg'a“, yangi alifbo va imlodan qo'llanmalar, Toshkent, „O'qituvchi“ nashriyoti, 1996.

<sup>2</sup> „O'zbek tilining imlo lug'ati“. Tuzuvchilar Shavkat Rahmatullayev, Azim Hojiyev (maxsus muharrir Yo'ldosh Abdullayev), Toshkent, „O'qituvchi“ nashriyoti, 1995.

ёзилиш меъёрларини қоидалаштиришда уларнинг рус тилидаги имло қоидалари асос қилиб олинди.

Тил тўғрисидаги қонунда „Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар ўз миллатларидан қатъи назар, ўз исми, отасининг исми ва фамилиясини миллий-тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эга“ эканликлари кўрсатиб ўтилган эди.

Ана шу ҳол эътиборга олиниб, „Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари“да фамилия ҳосил қилувчи қўшимчаларнинг имлоси кўрсатилмаган. Аммо масаланинг шу жиҳати ҳам борки, кейинги йилларда ўзбек тилида ҳам фамилия ҳосил қилувчи қўшимчалардан кенг фойдаланилмоқда, ота исмига фамилия ҳосил қилувчи қўшимчани қўшиш усули ҳам қўлланилмоқда (*Аҳмад Абдуллаев*). Бундан ташқари, кирилл алифбоси асосидаги имлода ўзбекча *экин*, *кел* сўзларидаги *э* (*e*) ҳарфи икки шаклда қўлланар, *e* эса сўз бошида (*елим*) ва унли товушдан кейин келганда икки товушни (*й+э*) ифодалар эди. Янги ўзбек алифбосида *э* ҳарфи йўқ, бу ҳарф ифодалаган фонемани *e* билдиради, яъни мазкур ҳарф эндиликда ҳеч вақт икки товушни ифодаламайди. Елена, Алиев каби сўзлардаги *e* ҳарфи икки товушни билдирганлиги учун янги ўзбек имлосида икки ҳарф билан (*ye*) кўрсатилади: *Yelena, Aliyev*.

Масаланинг шу жиҳатлари ҳам эътиборга олиниб, ушбу қўлланмада „Фамилия ҳосил қилувчи қўшимчалар ва уларнинг имлоси“ ҳам кўрсатиб ўтилди.

„Кадрлар тайёрлаш миллий дастури“, „Таълим тўғрисида“ги қонунлар ўзбек тилига янги алифбо ва имлонинг жорий қилиниши муносабати билан умумий ўрта таълим мактабларининг (V — IX синфлар) она тили дастурининг „Фонетика ва имло“ бўлими (она тили курсининг бошқа бўлимлари қаторида) қайта тузилди. Мазкур бўлим „Фонетика, графика. Имло ва нутқ маданияти“ деб номланди.

Мазкур масалалар юзасидан ўқитувчиларга ёрдам бериш мақсадида нутқ товушларининг пайдо бўлиш ўринлари ва бунда нутқ аъзоларининг қандай ҳолатда бўлиши, товуш-ҳарф муносабати, уларнинг имлоси каби масалалар ҳам ёритилди.

Хуллас, „Янги алифбо ва имло“ деб номланган ўқув қўлланма икки қисмдан иборат: 1- қисмида юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар юзасидан назарий-амалий маълумотлар ва уларни мустақамлаш учун машқ намуналари келтирилди. 2- қисмида эса янги алифбо ва имлода ўқиш ва ёзиш малакаларини ҳосил қилиш учун материаллар, нутқ товушлари ва уларни ифодаловчи ёзма ва босма ҳарф шакллари, улар қатнашган сўз, гап ва матнлар берилди.





## НУТҚ ТОВУШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ.


Оғзаки ва ёзма нутқ. Товуш тили — оғзаки нутқ кишиларнинг муомала воситаси сифатида пайдо бўлган, ҳозир ҳам шу вазифани бажармоқда. Ёзув (ёзма нутқ) эса оғзаки нутқнинг шартли ифодаланиш шакли („Қалам чизган суврат“) бўлиб, ҳаётий зарурият туфайли кишилар томонидан кашф қилинган. (Туркий халқлар ёзувларининг 2500 йиллик тарихи бор.)

Шундай бўлгач, бирон тилни ўрганиш, шунингдек, ёш болаларни ёзувга ўргатишда аввал ишни тилнинг оғзаки, яъни шу тилдаги сўзларда ишлатиладиган нутқ товушлари юзасидан маълум тизим асосида иш олиб бориб, уларнинг айтилиши, сўз ва гапларнинг оҳангига оид амалий машқлар уюштирилади, ҳар бир тилдаги нутқ товушлари, уларнинг пайдо бўлиш ўрни ва усуллари тил ҳақидаги фаннинг фонетика бўлимида ўргатилади.

**Нутқ аъзолари.** Маълумки, товуш ўзаро таъсир, муҳит зарраларининг тебраниш тўлқини маҳсулидир. Инсон товушлари ҳам мазкур қонуният асосида пайдо бўлади. Аммо нутқ товушларининг бошқа товушлардан туб фарқи шундаки, сўздаги ҳар бир товуш унинг луғавий маъносини ўзгартиради, чунончи: *тош, тиш, теш, туш, тўш, ташла.*

Инсон бурун ва оғиз бўшлиғи билан нафас олади. Оғиз бўшлиғининг орқа қисми танглай бўлиб, қаттиқ танглай ва юмшоқ танглай деб, иккига ажратилади. Юмшоқ танглайнинг орқа қисми нафас олишда паст томонга салқиб, овқат ва суюқлик ютишда эса юқорига кўтарилиб ҳаракатланади. („Нутқ аъзолари“ жадвалининг 7- ва 3- рақамларида А, В, Д ҳарфлари билан кўрсатилган ўринларга қаранг.)

## Nutq a'zolarining tik kesma ko'rinishi.



I. Og'iz bo'shlig'i. II. Burun bo'shlig'i. III. Bo'g'iz.

Nutq a'zolari ikki guruhga bo'linadi:

**I. Harakat qiladigan a'zolar:**

1. Lablar.

2. Til:

- a) uchi;
- b) old qismi;
- d) o'rta qismi;
- e) orqa qismi.

3. Yumshoq tanglay.

4. Tovush boylamlari.

**II. Harakat qilmaydigan a'zolar:**

5. Ostki va ustki old tishlar.

6. Milk.

7. Qattiq tanglay.

8. Bo'g'iz.

9. Burun katagi.

Бурун ва оғиз бўшлиғи туташгандан кейинги давоми бўғиз (ҳалқум) бўлиб, унинг бир қисми ҳиқилдоқ билан уланади. (Жад-

валдаги рим рақамлари билан берилган II-III қисмларга қаранг.) Оғиз бўшлиғидан ҳалқумга ўтиш тешиги, яъни томоқ (бўғиз) юқори томондан юмшоқ танглайнинг этаги — чодир, пастки томондан тилнинг энг орқаси, унинг „илдизи“ билан чегараланади.

Томоқдан (бўғиздан) овқат ёки суюқлик ҳалқум орқали қизилўнгачга (овқат йўли) ўтади, нафас олишда эса ҳаво ҳиқилдоқдан ўпкага боради.

Овқат ейишда ёки суюқлик ичишда озгина бўлса ҳам нафас йўлига ўтса, овқат еювчи қалқийди. Бундай ҳол рўй бермаслигининг олдини олиш учун катта ёшдагилар болаларга: „Овқатни шошиб ёки гаплашиб туриб ема“, — деб танбеҳ беришади.

Унли ва ундош товушлар. Бир мусиқашуноснинг ёзишича, инсон товушидаги нозикликларни ҳеч қандай мусиқий асбоб ифодамайди. Машҳур марҳум санъаткорлар: Аброр Ҳидоятнинг Отелло монологларини, Маъмуржон Узоқовнинг ашулада авж пардасига кўтарилишларини, Ботир Зокиров ва бошқа туғма санъаткорларнинг хонишларини эшитганмисиз?!

Ўзбек тилидаги барча нутқ товушлари нимадан ва нутқ аъзоларининг қаерида пайдо бўлишига кўра икки катта гуруҳга ажратилади: унли товушлар, ундош товушлар. Унли товушларнинг ўзига хос белгиси шуки, уларни айтишда нутқ аъзолари ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимини тўсиш учун бир-бири билан жипслашмайди ҳам, яқинлашмайди ҳам. Унли товушлар товуш бойламларида пайдо бўлади. („Бўғиз“даги 4-рақамга қаранг.)

Товуш бойламларида тоқ қалқонсимон ва жуфт чўмичсимон, шохсимон тоғайлар бўлиб, улар нафас чиқариш, секин ёки қаттиқ товуш ҳосил қилишда муайян ҳолатни эгаллайди. Бунда товуш тешиги гоҳ кенгайиб, гоҳ тораяди.

Товуш бойламларининг бир-бирига нисбатан кўндаланг ҳолатда тебранишидан пайдо бўлган товуш ўзбек тили ҳақидаги фанда ун атамаси билан ифодаланади.

Демак, унли товушлар товуш бойламларида пайдо бўлиб, фақат ундан ҳосил бўлади.

Ундош товушларга хос нарса шуки, уларни талаффуз қилишда нутқ аъзолари тўлиқ тўсиқ ҳосил қилиш учун бир-бири билан

жипшлашади ёки бир-бирига яқинлашади, уларнинг орасида ҳаво оқими учун йўл — тешик ҳосил бўлади. Жипшлашган нутқ аъзоларининг орасини ҳаво оқими очиб ўтиши ёки бир-бирига яқинлашган аъзоларнинг четини тебратиши натижасида товуш пайдо бўлади. Бу товуш ўзбек тили фанида шовқин деб номланади. Демак, ундош товушлар, асосан, шовқиндан пайдо бўлади.

Ўзбек адабий тилида 6 хил унли товуш бор. Улар мусиқий жарангдор оҳангли, кўпчилик ундош товушлар эса шовқинли бўлади. Аммо шундай ундош товушлар ҳам борки, уларда шовқинга нисбатан мусиқий оҳангдорлик устун туради, масалан: *m, n, ng, y, l, r*. Бундай товушлар ундор (сонор) ундош товушлар деб номланади. Бошқа ундош товушларда эса унга нисбатан шовқин устун бўлади. Бундай нутқ товушлари шовқинли ундошлар деб юритилади.

Товуш бойламларининг ҳаракатига кўра ундош товушлар икки гуруҳга ажратилади:

— Жарангли ундошлар: бундай ундошларни айтишда товуш бойламлари ҳам тебранади: *b, d, g...*

— Жарангсиз ундошлар: бундай ундошларни айтишда товуш бойламлари тебранмайди: *p, t, k...*


Демак, жарангсиз ундошлар фақат шовқиндан, ундор ва жарангли ундошлар эса шовқин ва ундан пайдо бўлади.

Жарангли ва ундор товушлар таркибида, асосан, шовқин, шунингдек, товуш бойламларида пайдо бўладиган озми-кўпми ун бўлади.

Ўзбек тили нутқ товушлари — фонемалар нутқ аъзоларининг қаерида, қандай усулда пайдо бўлишини аниқ билиш адабий тилнинг савтий меъёрларини билишда, қолаверса, нутқ товушларини тўғри талаффуз қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

„Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари“да (филология фанлари доктори, проф. Азим Ҳожиев бошчилигида 9 филолог ва педагоглар жамоаси томонидан ёзилган) нутқ товушлари 6 гуруҳга бўлинган: лаб, тил олди, тил ўрта, тил орқа, чуқур тил орқа ва бўғиз.

Қоидаларда лаб ундошларидан *p* ва *f* товуш-ҳарфлари тўғрисида қуйидаги таърифлар берилган:



р ҳарфи *raxta, pichoq, ora, tepa, tur, yor* каби сўзларда жарангсиз портловчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади.

f ҳарфи *fan, fil, futbol, fizika, asfalt, juft, insof, isrof* каби сўзларда жарангсиз сирғалувчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади.

Бу каби товуш ва ҳарф муносабатини ифодаловчи „график қоида“лар тилшунослик учун жуда муҳим. „Имло қоидалари“дан ана шу талаб қилинади. Аммо бу қоидалар фонемаларнинг нутқ аъзоларининг қаерида, қандай усул билан пайдо бўлишини аниқ ифодаламайди. Бу масала таълим методикасининг иши бўлиб, методик қўлланмаларда ва қисман дарсликларда баён қилиниши мумкин.

Биз мазкур масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашиб, юқорида кўрсатилган 2 товуш ҳақида бундай таъриф бердик:

р товуши икки лабнинг орасида пайдо бўлади. Бу товушни айтишда юқори ва пастки лаб юмилиб, ҳавонинг кучи билан очилади ва портлагандай бўлиб р товуши чиқади: *rona, qor, rauroq, lo'ppi-lo'ppi raxta*.

f товуши олдинги икки устки тиш билан пастки лабнинг ич тарафидан ҳавонинг сирғалиб ўтишидан пайдо бўлади: *fil, fan, film, daftar, tanaffus*.

Асримиз бошида ўзбекча нутқ товушларининг пайдо бўлиш ўрни („махражи“) масаласига машҳур маърифатпарвар педагог-муаллифлар, чунончи: Саидрасул Саидазизов, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Рустамбек ибн Юсуфбек ҳожи ўз алифбе китобларида алоҳида эътибор берган эдилар. Масалан: Рустамбек домла бундай ёзган:

– Муаллим афандилар, ҳарфларни болаларга махраждан чиқариб ўргатмоқликни унутманг<sup>1</sup>.

Саидрасул Саидазизов болаларга хат-савод ўргатишда ҳар бир ҳарф ифодалаган товушни (савти) англатиш зарурлигини бундай таъкидлаган эди:


„Ҳурматли муаллимлар, сабоқ бермоқ бўлиб ҳарф кўрсатганларида ҳар қаю ҳарфни, масалан, б ни алифга қўшганда бо

<sup>1</sup> Рустамбек ибн Юсуфбек ҳожи, „Таълими аввал“, 2- қисм, Ғуломия матбааси, Тошкент, 1913.

бўлурини болага фаҳмлатмакда ҳар қаю ҳарфни ўз савти ва ўқулуши тариқасида, яъни *б* деб ҳаракат — касра бермасдан (*и* унлисини қўшиб айтмасдан. — *Й. А.*) ва ҳам алиф ҳар вақт сўзда муттасил битилганда *о* дек бўлурини баён қилиб, *б* ва *о* жам бўлсалар *бо* бўладур ва ҳам охирига *й* ҳарфини келтурулса жами *бой* бўлур ...“ деб кўрсатган эди<sup>1</sup>.

Бу методик усуллардан ҳозир ҳам кенг фойдаланиш зарур. Ўзбек адабий тилидаги нутқ товушларининг нимадан пайдо бўлиш турларини жадвалда кўрсатамиз.

#### ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИДАГИ НУТҚ ТОВУШЛАРИ.



Имло қойдаларини ўзлаштиришда — тўғри ёзишда бошқа қоидалар қаторида жарангли ва жарангсизларнинг талаффузи ва уларнинг тўғри ёзилишини пухта билишнинг алоҳида аҳамияти бор, чунончи: *Мурод*, *Асад*, *Маҳмуд* каби сўзлардаги охирги жарангли *d* товуши оғзаки нутқда жарангсизланиб *t* айтилади, аммо *d* ёзилади. Бундай хатонинг олдини олишда жуфтли ва жуфтсиз жарангли ва жарангсиз товушларни аниқ билиш ёрдам беради. Бу тушунчаларни жадвалда кўрсатамиз.

<sup>1</sup> Саидрасул Саидазизов, „Устоди аввал“, Тошкент, 1903, 2- нашри, „Сабоқ бермоқ тариқаси“.

Juftli, juftsiz jarangli va jarangsiz tovushlar.

№	Turlari	Juftlilar	Juftsizlar
1.	Jaranglilar	<i>b, v, g, d, z, j, g'</i>	<i>m, n, ng, y, l, r,</i>
2.	Jarangsizlar	<i>p, f, k, t, s, ch, sh, x</i>	<i>q, h</i>

Изоҳ: Алифбодаги *j* ҳарфи *joy, jurnal* каби сўзлардаги икки хил товушни ифодалайди. Жарангсиз *ch* товушининг жарангли жуфти *jo'ja, kollej* сўзларидаги *j, sh* товушининг жарангли жуфти *ajdar, garaj* сўзларидаги *j* товушидир.

**Нутқ товуши ва ҳарф.** Инсоннинг нутқ товушлари фонетик ёзувда қабул қилинган шартли белгилар — ҳарфлар билан ифодланади. Ҳарф нутқ товушининг шартли суратидир.

Ҳар бир тилда шу тилдаги сўзлар таркиб топадиган аниқ миқдордаги нутқ товушлари бўлади. Улар талаффуз қилинади, эшитилади, ёзувда ҳарфлар билан ифодаланади.

Демак, ҳарфлар ёзилади, кўриб ўқилади.

1993 йил 2 сентябрда қонун асосида қабул қилиниб, 1995 йил 6 майда ўзгариш киритилган лотин ҳарфлари асосидаги янги ўзбек алифбосида<sup>1</sup> 26 ҳарф бор, 3 товуш эса алифбодаги ҳарфлар бирикмаси билан (бундан *ch* даги *c* ҳарфи мустасно) ифодаланади.

Ҳарфда ифодаланадиган товуш (*b, v, d,...*) ва ҳарфнинг номи (*be, ve, de,...*) тушунчаларини аниқ фарқ қилиш керак. Хат-савод ўргатишда, имло хатолари юзасидан иш олиб бориш каби ҳолларда товуш-ҳарф атамаси ишлатилади. Алифбо хусусида маълумот берилгандан сўнг ҳарфнинг номи атамаси ҳам ўз ўрнида ишлатила борилади, чунончи: алифбо ёддан сўралганда ҳарфлар ўз номи билан айтилади (*a, be, de*).

Қисқартма отлар сўзларнинг биринчи ҳарфидан ҳосил қилиниб, орада унли товуш бўлмаса, ҳарфлар ўз номи билан айтилади: *Xalq demokratik partiyasi — XDP (xedepe), Birlashgan millatlar tashkiloti — BMT (beemte)*.

<sup>1</sup> Алифбо сўзи араб алифбосидаги биринчи ва иккинчи ҳарфнинг номини қўшишдан ҳосил қилинган: *алиф* — арабча, *бо* — форсча; бу сўз арабчада *алифбе* бўлиб, биз *алифбе* сўзини хат-савод ўргатиш учун тузилган махсус китоб маъносида ишлятяпмиз.

Графикада алифбодаги босма, ёзма катта ва кичик ҳарфларнинг ёзилиш шакллари ўргатилади. Мактабда графика ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1-синфда хат-савод ўргатиш давридаёқ берилган бошланади.

Мактаб изчил она тили курсида графика ҳақидаги маълумот ва кўникмалар „Фонетика“ бўлимига боғлаб ўргатилади.

Нутқ товушлари фонетик ёзувда ҳарфлар билан ифодаланади. Ҳарф ва нутқ товушлари тушунчаларини аралаштирмаслик керак: ҳарфларни ёзамиз ва кўрамиз, товушларни эса айтамыз ва эшитамиз. Баъзан товушларни эшитилгандай ёзмаймиз. Масалан, *go'sht*, *g'isht* тарзида ёзамиз, ammo кўп ҳолларда охириги *t* товуши айтилмайди.

Адабий тилдаги нутқ товушларининг маълум тартибда ҳарфлар билан берилиши алифбо деб юритилади.

## НУТҚ ТОВУШЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ЎРИНЛАРИ.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида 32 хил нутқ товуши бор. Улар нутқ аъзоларининг товуш бойламларидан (пайчалари) лабгача бўлган оралиқнинг турли жойларида ҳосил бўлади.

Тил ҳақидаги фанда нутқ товушлари нутқ аъзоларининг қаерида ва нимадан ҳосил бўлиши жиҳатидан икки гуруҳга, яъни унли товушлар ва ундош товушларга ажратилади.

### УНЛИ ТОВУШЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ЎРНИ ВА ИМЛОСИ.

Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими товуш бойламларини тебратиши оқибатида ун (овоз) чиқади. *Товуш, садо, сас, овоз, шовқин* ва ун синонимик қатор бўлиб, охиригисидан 20- йилларда ўзбек тилшунослари илмий изланишлардан сўнг унли товуш, ундош товуш атамаларини ҳосил қилган эдилар. Уларни айтишда ҳаво оқими оғиз бўшлиғида тўсиққа учрамай ўтади. Ammo оғизнинг очилиш даражаси ва икки лабнинг ҳолати турлича бўлади. Шунга кўра унлилар кенг (*a*, *e*), тор (*i*, *u*), ўрта кенг (*o*, *o'*) ҳамда лабланган (*o'*, *u*) ва лабланмаган (*a*, *i*, *e*, *o*) деб фарқ қилинади. Мазкур таснифни жадвалда қўйидагича кўрсатиш мумкин.

## Unli tovushlarning talaffuz usuliga ko'ra turlari.

Labning ishtiroki		Og'izning ochilish darajasi
Lablangan: <i>o', u</i>	1.	Tor: <i>i, u — in, un</i>
Lablanmagan: <i>a, i, e, o</i>	2.	Keng: <i>a, e — asal, etik</i>
	3.	O'rta keng: <i>o, o' — ota, o'yin</i>

Эслатма. Янги ўзбек алифбосида *ўртоқ, ўлка* каби сўзлардаги ў товуши учун махсус ҳарф олинмаган. Бу товуш *oq* сўзидаги *o* ҳарфига кўчиш белгиси қўйиш билан ифодаланади: *oq—o'q*. Оврўпо тилларидан ўтган ўзлашма сўзларда эса *o* ҳарфи сақланади, чунончи: *tonna, boks, futbol, kodeks*.

Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари беш бўлимдан таркиб топган. Унинг биринчи бўлими „Ҳарфлар имлоси“ бўлиб, 32 моддада 45 қоида берилган. Бу қоидалар моҳиятига кўра, икки гуруҳга бўлинади: график қоидалар, имловий қоидалар.

График қоидаларда ўзбек адабий тилидаги нутқ товушларининг ҳар бирига аввал лингвистик тавсиф берилиб, сўнг шу фонема қайси ҳарф билан ифодаланиши кўрсатилган. Имловий қоидаларда эса агар фонеманинг адабий тилдаги меъёри билан ёзилиши орасида фарқлар бўлса, улар кўрсатилиб, имлоси қоидалаштирилган.

„Ҳарфлар имлоси“нинг 32 моддасидаги 45 қоиданинг 29 таси график қоида, 16 таси эса имловий қоидадир.

**в** ундоши юзасидан 3 қоида берилиб, 1-си график, 2-, 3-си эса имловий қоидалардир:

**В в** ҳарфи:

1. *bobo, bahor, bir, majbur, zarb* каби сўзларда жарангли портловчи лаб ундошини ифодалаш учун ёзилади;

2. *kitob, yuzlab, kelib* каби сўзлар охирида *p* айтилса ҳам, *b* ёзилади;

3. *qibla, tobla* каби сўзларда баъзан *v* айтилса ҳам, *b* ёзилади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> O'zbek tilining asosiy imlo qoidaları., „O'zbek tilining imlo lug'atı“, Toshkent, „O'qituvchi“, 1995, 9- bet.

*a* ҳарфи ўзбек алифбосидаги биринчи ҳарф бўлиб, бу товуш-ҳарф юзасидан имло қоидаларининг биринчи моддасида икки қоида берилган. Унинг биринчиси график, иккинчиси имло қоидасидир.

**А а ҳарфи:**

1. *aka, alanga, aloqa, og'a; sentabr, noyabr* каби сўзларда кенг унлини ифодалаш учун ёзилади;

2. *bahor, zamon, savol, gavda, vasvasa* каби сўзларнинг олдинги бўғинида, *vaqt, vahm* каби сўзларда *a* айтилади ва ёзилади.<sup>1</sup>

Қоидада „*a* айтилади ва ёзилади“ дейилганда ўзбек адабий тилининг талаффуз меъёри назарда тутилган; мисолларда кўрсатилган каби сўзлар ўзбек тилининг *o* ловчи шеваларида, чунончи: Тошкент шевасида, бу сўзларнинг биринчи бўғинидаги *a* унлиси *o* тарзида айтилади: *bohor, zomon, sovod, totom*; *a* ловчи шеваларда эса адабий талаффуздаги *o* унлиси *a* тарзида айтилади: *bola — bala, boshqa — bashqa*.

Ўқитувчи ўзбек адабий тилидаги *a, o* унлилари имлосини ўргатишда юқоридаги ҳолларни эътиборга олиши, бундай ҳоллар учрайдиган мактабларда махсус машқлар уюштириши тавсия қилинади.

*o* ҳарфи ўзбек тили луғатидаги икки хил унли товушни ифодалайди: ўзбекча *ona, omon, quyosh, baho, mukofot, mahorat* каби сўзларда орқа қатор кенг унлини; *boks, tonna, mikrofon, kodeks, order* каби урғули ўзлашма сўзларда ўзбекча *o'roq, to'g'ri, cho'l* каби сўзлардаги *o'* унлисини; урғусиз бўлган ҳолларда эса *a* ёки *i* товушига мойилроқ талаффуз қилинадиган русча *o* ҳарфини билдиради, чунончи: *botanika, termos, direktor*.

*i* унлиси. Латин ҳарфларига асосланган ўзбек алифбоси асосидаги имло қоидаларини тузиш жараёнида (1993 йил ноябрь—1994 йил декабрь) баҳсларга сабаб бўлган масалалардан бири *i* унлисининг имлоси бўлди. Имло ҳайъати аъзоларидан баъзилари *синф, сабр, назм* каби сўзларда икки ундош ўртаси талаффузида

<sup>1</sup> O'zbek tilining asosiy imlo qoidalari. „O'zbek tilining imlo lug'ati“, Toshkent, „O'qituvchi“, 1995, 7- bet.

қисқа *i* эшитилиши ва уни ёзувда ифодалаш масаласини бир неча бор ўртага қўйдилар, кўпчилик эса бу сўзларни 1956 йил 4 апрелда қабул қилинганидек сақлаш тарафдори бўлиб, бунинг учун асослар келтирдилар (бу тўғрида қуйида тўхтаймиз).

Ўзбек тили имлоси тарихида юқорида мисол сифатида кўрсатилган сўзларда *i* ҳарфини ёзувда ифодалаш ёки ифодаламаслик масаласининг ўз тарихи бор.

Туркистон ва Бухоро Халқ республикасида араб алифбоси расмий ислоҳ қилингунга қадар ёзувда қисқа *a*, *i*, *e* товушлари умуман ифодаланмас эди. Араб алифбоси ислоҳ қилингандан кейин (1918—1923 йилларда) ўзбекча қисқа *a*, *i*, *e* товушлари учун маълум белгилар қабул қилинди ва асосан даврий матбуотда янги имло қоидалари асосида иш олиб борилди. 1926 йил августда қабул қилинган лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосида йўғонлик-ингичкалик тамойилига амал қилиниб, йўгон ва ингичка *o*, *u*, *i* товушларининг ҳар бири икки хил ҳарф-белги билан ифодаланадиган бўлди. Бу тамойил 1929 йил имло қурултойида ҳам ўз кучини сақлаб қолди ва, ниҳоят, 1934 йил май конференциясида воз кечилди.

Бу йиллари қисқа ва чўзиқ *i*, *b* унлиларининг имлосида ҳар хиллик пайдо бўлди, *фикр*, *биз*, *сиз* каби сўзлар матбуотда *fkr*, *bz*, *sz* шаклида ҳам ёзила берди.

1940 йил 8 майда кирилл алифбосига ўтиш тўғрисида қонун қабул қилинганидан сўнг 1940 йил 4 июлда тасдиқланган „Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари“да сўз бошидаги икки ундош товуш ўртасида (русча *план* сўзига тақлидан), чунончи: *билан*, *бирок*, *сира*, *пироварди* каби сўзларда биринчи бўғинда *i* ёзилмаслиги қоидалаштирилди: *блан*, *сра*, *броқ*, *проварди*.

Мазкур имло қоидалари узоқ давом этган баҳslashувлар асосида тўлдирилиб ва такомиллаштириб тузилгандан сўнг, 1956 йил 4 апрелда тасдиқланди; юқорида кўрсатилган сўзларнинг биринчи бўғинида *i* ҳарфи ёзилиши қатъийлаштирилиб, бу унли ҳақида қуйидаги қоидалар берилди:

## 1- §. *и* ҳарфи:

1) *бир, билим, билак, тилак, билан, бироқ, сира, пировардида* ... каби сўзларда қисқа айтиладиган *и* унлиси ўрнида; *муҳим, лирика* каби сўзларда чўзиброқ айтиладиган *и* унлиси ўрнида ёзилади.

2) *қир, қиз, биқин, ғишт, қизиқ, хирмон, хина, мих* каби сўзларда *қ, х, ғ* товушлари билан ёнма-ён келиб, қисқа ва қаттиқроқ айтиладиган *и* унлиси ўрнида, *посилка, вишка, виставка, вивеска* каби сўзларда русча *ы* унлиси ўрнида ёзилади<sup>1</sup>.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, *фикр, фасл, меҳр* каби сўзларда икки ундош ўртасида *и* унлиси, гарчи айрим шахслар талаффузида эшитилса ҳам, уни имлода ифодаласлик тарафдорлари: „Агар бундай ҳолларда *и* ёзилишини қоидалаштирсак, сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда икки ундош ўртасидаги *и* унлиси талаффуз қилинмайди ва ёзувда ифодаланмайди“ қоидасини ҳам имлога қўшишга тўғри келади“, — деган фикрни ўртага қўйдилар, чунончи: *умир — умрим, сабир — сабринг, фасил — фасли* ...

Мазкур фикрни имло ҳайъатининг кўпчилиги маъқуллади, ниҳоят, *и* ҳарфининг имлоси қуйидагича қоидалаштирилди:

### *I i* ҳарфи:

1) *ish, iz, qil, xirmon, ilhom, ikki, ixtisos, shoyi, tulki; volida piramida; bilan, biroq, sira, qishloq, chiroq* каби сўзларда олд қатор тор унлини ифодалаш учун ёзилади.

2) *o'tin, o'rik, bo'lim* каби олдинги бўғинида *o'* унлиси келадиган сўзларнинг кейинги бўғинида *и* айтилади ва ёзилади.

Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, имло қоидалари шу тилнинг алифбоси имкониятлари асосида тузилади. Бошқа тиллардан ўтган сўзлар — ўзлашма сўзлар имлоси ҳам мазкур тамойил асосида белгиланади: русча *ы* товуш-ҳарфли сўзлар ўзбек имлосида *и* ҳарфи билан берилади: *I. A. Krilov, L. S. Ribakova*.

*U* ҳарфи юзасидан имло қоидаларида икки қоида, яъни бири график, иккинчиси имловий қоида берилган:

<sup>1</sup> „Имло луғати“, мактаб ўқувчилари учун. „Ўқитувчи“ нашриёти, Тошкент, 1970, 2- нашри, 5- бет.

1) *uy, kun; buloq, Buxoro; butun, uchuq, usul, yulduz; mafkura, ko'zgu, uyqu, aluminiy, yubiley* каби сўзларда орқа қатор тор унлини ифодалаш учун ёзилади;

2) *qovun, sovun, tovush, yovuz, qirg'ovul, chirmoviq* каби сўзларнинг олдинги бўғинида *o* унлиси келса, кейинги ёпиқ бўғин бошидаги *v* ундошидан кейин *u* айтилади ва ёзилади.

Бу қоидада ҳам „*u* айтилади ва ёзилади“ дейилганда адабий тил меъёри назарда тутилган, сўзлашув нутқида эса (*qovin, sovun* сўзларида) *u* эмас *i* айтилади. Бундай қоидаларни ўргатиш юзасидан махсус амалий ишлар ўтказиш талаб қилинади.

*O'* ҳарфи *o't, o'q, o'zbek, o'simlik, do'ppi; bo'tako'z, semizo't, gulko'ra, no'rin* каби ўзбекча сўзларда орқа қатор ўрта-кенг унли товушни ифодалаш учун ёзилади.

Бу товуш форс-тожик тилидан ўтган *обрӯ, гулрӯ, рӯбарӯ* (кейингиси ўзбек халқ тилида *рӯпара* шаклида ишлатилади) сўзларини истисно қилганда сўзнинг охирида қўлланмайди.

*e* ҳарфи *ekin, esla, evara; ekran, eksport; kel, zehn; kecha, behi; telefon, teatr; poyezd, atelye, e'lon, ne'mat, she'r* каби сўзларда олд қатор ўрта-кенг унлини ифодалаш учун ёзилади.

Кирилл алифбосида *э* ҳарфи билан ёзиладиган сўзлар ҳам ўзбек имлосида *e* билан ифодаланади: *экрaн—ekran, экcпорт—ekспорт, эрa—era, дуэль—duel, эскимос—eskimos, аэропорт—aeroport, коэффициент—koeffitsiyent, эскалатор—eskalator.*

### **Топшириқ.**

„Унли товушларнинг талаффуз усулига кўра турлари“ жадвали асосида унли товушларни тўғри талаффуз қилиш юзасидан машқ қилинг, уларнинг иштироки билан оғзаки ва ёзма гаплар тузинг.

## **УНДОШ ТОВУШЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ЎРИНЛАРИ.**

Ўзбек тилидаги ундош товушлар нутқ аъзоларининг қуйидаги жойларида пайдо бўлади.

*Qahhor, Hamid* каби сўзлардаги жарангсиз сирғалувчи ундош товуш янги ўзбек алифбосида *h* ҳарфи билан ифодаланади.<sup>1</sup> Бу товуш бўғизнинг энг орқа ёки ўрта қисмида; *g'*, *x* товушлари эса бўғизнинг энг олд қисмида пайдо бўлади (*g'oz, g'or; xor, xamir, xom, хах, xalil, oxirat, muxbir*);

*q* товуши тилнинг энг орқа томони ва унинг қаршисидаги танглай оралиғида пайдо бўлади (*qoq, to'qmoq, qalam, yoq, qatqaloq*).

Эслатма: *x* ва *q* товушларининг пайдо бўлиш ўрни бири-бирига яқин бўлганлиги учун баъзи кишилар *q* ўрнида *x* ни қўллайдилар: *maqsad—maxsad, maqtov—maxtov*.

*k, g* ҳарфлари тил орқаси билан танглай оралиғида ҳосил бўлади (*kel, aka, ko'k, gul, gugurt, gala, ega, guliston*).

*y* товуши тилнинг ўртаси билан танглай оралиғида пайдо бўлади (*yil, yigit, oymota, toy, boy, tayyor*).

*l* товуши тил ўртасининг ён томонида (*loy, lola, tol, alla, zilol*) пайдо бўлади.

*n* товуши тил учининг икки юқори тиш милкига тегиши оралиғида пайдо бўлади (*non, un, ana, nok, norin, Abdumannon*).

*t* ва *d* товушлари тил учининг икки юқори тиш милки билан жипслашуви оралиғида ҳосил бўлади (*tol, ota, Murod, dori, odat, dada*).


*r* товуши тил учининг танглайга яқинлашуви оралиғида пайдо бўлади (*rom, randa, arra, ari, rohat, tor*).

*s, z* товушлари тил олдининг юқори тишларга яқинлашуви оралиғида ҳосил бўлади (*sim, somon, somsa, zar, zina, tuz*).


---

<sup>1</sup> Араб имлосидаги *ҳойи ҳутти* (*Hokim, Hamid, hayot*) ва *ҳойи ҳавас* (*hadya, hay'at, jahd*) деб юритиладиган икки хил нутқ товуши кирилл алифбоси асосидаги ёзувда *ҳ* ҳарфи билан, латин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосида эса *h* ҳарфи билан ифодаланади..

Бу товушлар асли ўзбек тилида бўлмаган. Аммо таркибида мазкур товуш-ҳарфли ўзлашма сўзлар бор. Машҳур туркшунос олим Маҳмуд Кошғарий бундай ёзган эди: „Бўғиз товушларидан (ҳуруфул-ҳалқ“) бўлмиш *ç, ž* ҳам туркий тилларда йўқдир“, („Девони лугатит турк“, 1- жилд, Ўзбекистон ФА нашриёти, Тошкент, 1960, 48- бет.)



*t* ва *d* товушларини талаффуз қилишда тилнинг учи юқори тишлар ва мишк билан жипслашади.



*s* ва *z* товушларини талаффуз қилишда тилнинг олди юқори тишларга яқинлашади.

### Топшириқ.

*t* ва *d*, *s* ва *z* товушларининг пайдо бўлиш ўрни кўрсатилган расмларга қараб шу товушларни тўғри айтиш юзасидан машқ қилинг. Шу товушлар қатнашган қуйидаги сўзлар билан оғзаки гаплар тузиб айтинг.

*Tabrik, tanlov, taxta, tennis, tilxat, tadbir, tantana, taom, taxt, ta'lim, ta'til, tekstil, temuriylar, test; dada, dalil, dard, daromad, dasta, dastxat, dasht, devor, dev, did, oddiy; siniq, issiq, iltimos, rasm; zira, izzat, uzuk.*

*f* товуши олдинги икки устки тиш билан остки лабнинг ич тарафида ҳавонинг сирғалиб ўтиши билан (*fil, daftar, Sharifa, Fotima*) пайдо бўлади.

*p, b, m, v* товушлари ҳавонинг икки лаб оралиғида (*pona, rak-pakana, kabob, mo'l, mola*), *v* товуши икки лаб орасидан сирғалиб ўтишидан пайдо бўлади: *Vali, ov, avval, vatan, savol, saylov*, русча сўзларда *v* товуши пастки лаб билан устки тишлар орасида ҳосил бўлади: *vagon, Viktor*.

Ўзбек тилидаги уч хил нутқ товуши ҳарфлар бирикмалари билан берилади: *sholi, tenglik, chana*.

*Sholi* сўзидаги *sh* товуши тил олдининг юқори тишлар милкига яқинлашиб, ҳавонинг сирғалиб ўтишидан пайдо бўлади: *shoshma, shisha, tosh, boshq, pashsha*.

*Keng* сўзидаги *ng* товуши тил орқа қисми билан танглай оралиғида ҳосил бўлади; уни айтишда тилнинг орқаси юмшоқ танглай томон кўтарилмайди: *ing*. Бу товуш сўзнинг бошида келмайди: *o'ng, tong, zang, yenglik, tenglik*.

Баъзи бировлар *ingichka, dengiz, ingliz* каби сўзларда *n+g* ни бир-биридан ажратиб нотўғри талаффуз қиладилар.

Изоҳ. *m, n, ng* товушларини айтишда ҳавонинг маълум бир қисми бурун орқали чиқади. Бу ҳолни осон билиш учун икки бармоғингиз билан бурун катаklarини қисиб туриб *m, n, ng* товушларини айтинг. Шунинг учун бу товушлар бурун товуши деб номланади.

*Chana* сўзидаги *ch* товуши тил олд қисмининг юқори тиш милкига тақалиб, ҳавонинг сирғалиб ўтиши натижасида пайдо бўлади: *choy, chit, ochiq, soch*.

Ўзбек алифбосидаги *o, j* ҳарфларининг ҳар бири икки хил товушни билдиради:

*o* ҳарфи ўзбекча *ot, ol* каби сўзларда *o* унлисини; русча сўзларда (*tonna, boks*) *o* унлисини билдиради.

*j* ҳарфи *joy, juma; jurnal, garaj* каби сўзларда тил олди қисми билан танглай оралиғида пайдо бўлади (*jar, ajdar, bojxona, jo'ja*).

Ўзбек адабий тилидаги бошқа товушлар эса турли усуллар, чунончи: араб тилига хос *аън* товушига ишора қилиш учун тутуқ белгиси ёзилади (*ma'no, Ra'no, e'zoz, Nu'mon*). Бу белги баъзан сўз маъноларини ҳам фарқлайди: *qala — qal'a, sava — sa'va, tana — ta'na*.

Оврўпо тилларидан ўзлаштирилган сўзлардаги *Ц* товуши сўз бошида, сўз ўртасида ундош товушдан кейин ва сўз охирида келганда *s* ҳарфи билан: *центнер — sentner, концерт — konsert, абзац — abzas*; унли товушлардан кейин келганда эса *ts* ҳарфлари билан берилади: *лицей — litsey, доцент — dotsent* ва ҳоказо.

Ўзбек тилида *dingilladi* сўзидаги *ng* товушидан бошқа *ding'illadi, ming'illadi, ping'illadi* каби сўзлардаги *ng'* товуши ҳам бор.

Шуни унутмаслик керакки, нутқий жараёнда ҳамма вақт нутқ товушлари юқорида кўрсатилганидек айтилавермайди; ўзидан кейинги ёки олдинги товушларнинг таъсирида бошқача ҳам талаффуз қилинади, чунончи: *Turob, Tolib, sotdi, bitdi* каби сўзлардаги *b, d* жарангли ундошлари жарангсизланиб *p, t* айтилади (*Tuop, Tolip, sotti, bitti*).

*Daromadga qarab buromad* жумласи *daromatka qarap buromat* тарзида айтилади. Булар маълум тил қонуниятлари асосида бўлади.

Қуйидаги сўзларни ўқинг, ёзилиши ва айтилишига эътибор беринг, ўзингиз ҳам мисоллар топинг.

Yozilishi	Aytilishi
botanika	batanika
direktor	derektir
doktor	doktir
domino	damino
dotsent	datsent
fonetika	fanetika
fonar	fanar
foye	faye
konsert	kansert
omonim	amonim
termos	termis
tovar	tavar

Демак, ёзув билан оғзаки нутқ орасида маълум фарқлар бўлаверади. Сўзларнинг қандай ёзилиши имло қоидалари ва луғатларда кўрсатилади, мактабларда имло қоидалари ва талаффуз меъёрлари ўргатилади. Сўзларнинг тўғри талаффузи ҳам махсус луғатларда кўрсатилади. Шундай бўлгач, сўзларнинг илмий асосланган тўғри талаффузи луғатларини яратиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш ва бундай луғатларни кўп нусхада нашр қилиш талаб қилинади. Мактабларда имло ва талаффуз юзасидан махсус машқлар ўтказиш керак.

### Топшириқлар.

1. Унли товушлар ҳамда *p, b, g', x, h* товушларининг пайдо бўлиш ўринларини „Нутқ аъзолари“ жадвали асосида тушунтириб беринг.

2. Нутқ товушларининг пайдо бўлиш ўринларига рўя қилиб, ундош товушларни айтиш юзасидан машқ қилинг, мисоллар айтинг.

3. Ўқинг. Ҳарфлар бирикмалари билан ифодаланган товушларни айтиб, шу парчада нечта унли товуш, нечта ундош товуш борлигини аниқланг, қайси бири кўп экан?

Har bir ishingga, Jahon hayrona,  
Dongdor kishingga Go'zal Farg'ona.

(N. Yoqubov)

### ИМЛО БЕЛГИЛАР.

Ўзбек тилшунослигининг имло бўлимида 1993-1995 йилларда лотин ҳарфлари асосидаги янги ўзбек алифбосига (бу алифбо 1927-1940 йилларда Ўзбекистонда қўлланилган эди) ўтилишига тайёргарлик даврида имло белгилар тушунчаси ҳамда атамаси пайдо бўлди.

Маълумки, тиниш белгилар, асосан, гапнинг таркибида қўлланади. Имло белгилар эса ёзма нутқда ҳарфларда ишлатилади.

Имло белгилар уч хил: кўчиш белгиси, тутуқ белгиси, чизиқча (урғу белгиси имло учун эмас, тўғри талаффуз қилиш учун хизмат қилади).

Кўчиш белгиси алифбодаги 2 ҳарфга, яъни *o* (*olmoq*) ва *g* (*gul*) ҳарфларига қўйилса, бу ҳарфлар *ўлка, ўроқ* сўзларидаги *ў* ни, *ғалла* сўзидаги *ғ* ни ифодалайди. (*o'lka, o'roq, g'alla*).

Кўчиш белгиси ёзма ҳамда босма ҳарфларнинг кичик ва катта (бош) шакллариغا икки шаклда қўйилади:  $\bar{O}$   $\bar{o}$ ,  $\bar{G}$   $\bar{g}$  (ёзма шакли), *O' o', G' g'* (босма шакли).

Ёзма кичик ва катта *o, g* ҳарфларининг уст қисмига тўлқинсимон чизиқ шаклида чизилади, босма кичик ва бош шакл-

лари эса шу ҳарфларнинг юқори қисми бараварлигида уларнинг ўнг томонига тескари вергул шаклида бўлади, чунончи: *oq — o'q* (ёзма шакли *oq*); *gir-gir — g'ir-g'ir* (ёзма шакли *gir-g'ir*).

Кўчиш белгили сўз ёзма ҳарфлар билан битилганда шу сўз ёзиб бўлингандан сўнг *o, g* ҳарфларининг устки эни бараварлигида чизилади, босма кичик ва бош ҳарфлар билан ёзилганда эса шу ҳарфларни ёзаётганда белги қўйилади ва кейинги ҳарфни ёзишга ўтилади.

Кўчиш белгили сўзларни, агар сўз ҳуснихат қоидаларига риоя қилиб ёзилаётган бўлса, босма кичик ва бош ҳарфлар билан ёзишга нисбатан осонроқ бўлади, чунки кўчиш белгиси ҳарфнинг устида бўлиб, ҳарфлар тутшиб туради. Босма ҳарфлар билан ёзилганда кўчиш белгили ҳарф билан ундан кейинги ҳарф орасида маълум бўшлиқ бўлади ва сўзнинг бўғин тузилишига ҳам оз бўлса-да таъсир этади. Бу ҳол кўчиш белгили ҳарфлар сўзнинг бошланишида эмас, ўртасида бўлганда кўпроқ сезилади, чунончи: *bo'lim, bo'lak, bo'g'in, g'alvir, o'g'ri, bo'shamoq, bo'yra, bo'hton, bo'g'irsoq*.

Хат-савод ўргатишда юқоридаги ҳолларни эътиборга олиш зарур.

Тутуқ белгиси арабча сўздагина қўлланилади. Бу белги вергул шаклида бўлиб, ёзма ва босма матнларда кичик ҳарфнинг юқори қисми баландлигида бўлади, хат ёзма ҳарфлар билан битилганда тутуқ белгисини қўйишда қўл ҳаракати узилиб, белги қўйилгач, навбатдаги ҳарфларни ёзишда давом этилаверади, чунончи: *ma'no, fe'l, in'om*.

Тутуқ белгиси сўз охирига қўйилмайди. Сўз ўртасида қуйидаги ҳолларда қўлланади:

1. Унли товуш-ҳарфлардан кейин келган *r, n, t, s, l, sh* каби ундош товуш-ҳарфлардан сўнг қўйилиб, унли товушни ўзидан олдинги ундошдан ажратиб айтишга ишора қилиш учун қўйилади, мисоллар: *Qur'on, in'om, qat'iy, mash'al, Mas'ud(a)*.

2. Асосан *a, e*, баъзи сўзларда *u* унлисидан кейин қўйилиб, шу унли товушдан кейин овознинг бироз тутилиб, чўзиқроқ айтилишига риоя қилиш учун қўйилади, чунончи: *noma'lum, ma'qul, me'mor, she'r, shu'la, Nu'mon*.

Эслатма. *муъжиза, муътадил, муътабар* каби сўзлар кирилл алифбосида айириш белгиси — ь билан ёзилар эди. Бу сўзлар янги алифбода ёзилганда ў товуш-ҳарфини ифодалаш учун кўчиш белгиси қўйилади. Бир ҳарфга бир-биридан оз фарқ қиладиган икки белгини қўйиш ноқулай ҳамда сунъий қийинчиликлар тугдирганлиги учун мазкур сўзларда тутуқ белгиси қўйилмайди, аммо бу сўзлардаги *о'* товушини бироз чўзиқроқ айтишни таълим жараёнида ўргатиб бориш зарур бўлади.

3. Янги ўзбек алифбосида *шоли, шошмоқ* каби сўзлардаги *ш* товуши *s* ва *h* ҳарфлар бирикмаси билан ифодаланади.

Ўзбек тили луғатида оз бўлса-да, шундай сўзлар ҳам борки, улардаги ёнма-ён келган *s* ва *h* товуш-ҳарфлари икки хил нутқ товушини ифодалайди. Ана шундай сўзларда *s* ва *h* ни бир товуш тарзида эмас, балки икки товуш эканлигига ишора қилиш учун бу икки ҳарф орасига ҳам тутуқ белгиси қўйилади, мисоллар: *mas'h tortish* (тахорат қилаётганда), *tas'hih etmoq*, *as'har* (tong), *as'hob* (*sohib* сўзининг кўплиги), *Is'hoqov*.

Айрим сўзларда тутуқ белгисининг бўлиш-бўлмаслиги сўз маъносини ҳам ўзгартиради, масалан:

sava — sa'va  
davo — da'vo  
qala — qal'a  
sanat — san'at

nasha — nash'a  
sher — she'r  
taqib — ta'qib.

Чизиқча — имло белгиси. Чизиқ эса тиниш белгидир. Чизиқча шакл жиҳатидан чизиқнинг учдан бирига тенг бўлади, масалан:

*Bir-biringizga xayr-ehsonli, mehr-oqibatli bo'lib, qo'l berib so'ra-shib yuringlar, shunda dillaringizdagi dili g'ashlik ketadi.*  
(„Hadis“dan.)

*O'zbekiston — kelajagi buyuk davlat.*

„Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари“нинг „Чизиқча билан ёзиш“ бўлимида чизиқчанинг қўйилиш ўринлари кўрсатилган, чунончи:

жуфт сўз ва такрор сўз қисмлари чизиқча билан ёзилади: *el-yurt, qovun-tarvuz, baland-baland tog'lar, uy-uyiga*....

Кирилл алифбоси асосидаги имло қоидаларида кундалик саналарда (1991 йил 31 август) рақамдан сўнг чизиқча қўйилмаслиги қоидалаштирилган эди (1-мактаб, аммо 1 сентябрь). Янги тузилган имло қоидаларида бир хилликка эришиш учун юқоридаги ҳолларда ҳам чизиқча қўйилиши кўрсатилди: *1991-yil 31-avgust, 1-sentabr — O'zbekiston Respublikasining Mustaqillik bayrami*.

Ёзувда сўз қисми ёзилаётган қаторга сиғмай қолса, „Кўчириш қоидалари“ асосида кейинги қаторга кўчирилади. Бундай ўринларда сўзнинг сиғмай қолган қисмини кўчиришдан олдин чизиқча (-) қўйиб, янги қатордан ёзилади.

### Топшириқ.

Ўқинг, тутуқ белгисининг нима учун қўйилганлигини тунтириб беринг.

beta'sir	ta'min	e'lon	Tal'at
ta'bir	ta'minot	e'tibor	san'at
ta'kid	ta'mirlash	e'tiqod	jur'at
ta'lim	ta'rif	ne'mat	qat'iy
ta'm	ta'til	Ra'no	mas'ul
ta'limot	ta'sis	Mas'uda	sun'iy
ta'zim	ta'viya	Ma'suma	qat'iyat
ta'zir	ta'ziya	Sa'dulla	qit'a
sa'y harakat	va'da	shu'la	qur'a
ma'yus	va'z	Ne'matilla	in'om

Изоҳ. Ёзма ишларда кўчиш, тутуқ белгиси ҳамда чизиқчада хато қилинса, имло хато ҳисобланади.

## Э, Е ҲАРФЛАРИ ИМЛОСИ.

### Кирилл алифбосида:

э унли товуши ёзувда икки хил ҳарф билан берилади:

1. Сўз бошида, баъзан бўғин бошида э ҳарфи билан — *экин, экран; аэропорт, дуэт.*

2. Икки ундош ўртасида е ҳарфи билан — *деҳқон, веҳвеҳламоқ, телефон, фермер.*

е ҳарфи икки нутқ товуши-ни, яъни й+э ни ифодалайди:

1. Сўз бошида: *елка, етмиш, етим-есир.*

2. Унли товушлардан кейин: *қаерда, Ғаниев, Сафоев, Абдуллаева.*

3. Айириш ва айириш белгиси вазифасида қўлланган юмшатиш белгисидан кейин: *разъезд, объект, субъект, фельетон, ателье.*

### Янги ўзбек имлосида:

Юқоридаги икки ҳолда ҳам е ҳарфи ёзилади: *экин — ekin, экран — ekran, аэропорт — aeroport, деҳқон — dehqon, телефон — telefon, фермер — fermer.*

е ҳарфи ифодалаган икки товуш икки ҳарф билан ёзилади: *елка — yelka, қаер — qayer, Ғаниев — G'aniyev, Сафоев — Safoyev, фельетон — felyeton, ателье — atelye, рельеф — relyef.*

### Топшириқлар.

Тўғри талаффуз қилиш юзасидан машқ қилиб ўқинг. Имлосини тушунтириб беринг.

Kupe, tobe, foye, aerokassa, mute, elevator, ketmon, akademik li-tsey, kollej, duel, aroflot, beshiktervatar.

Ўқинг, янги алифбо ва имло қоидалари асосида кўчириб ёзиб, имлосини тушунтириб беринг.

эгам	вергул	емоқ	аллақаер
эгов	генерал	етмоқ	Жўраев
экин	гектар	елкан	Ғаниев
элик	девон	етим-есир	Бобоев
электр	девор	етар-етмас	Холбоев
элчи	зёб-зийнат	етти	Ҳасанбоев
эрта-кеч	зеҳли	етди	Алиев

Ўқинг, нуқталар ўрнига зарур ҳарфни қўшиб кўчиринг, сўз маъноларини тушунтириб беринг.

На м у н а:	<i>em — yem</i>	
	<i>elim — ... elim</i>	<i>et — ... et</i>
	<i>emas — ... emas</i>	<i>eng — ... eng</i>
	<i>el — ... el</i>	<i>erli — ... erli</i>
	<i>er — ... er</i>	<i>elakchi — ... etakchi</i>

### АЙИРИШ ВА ЮМШАТИШ БЕЛГИЛИ ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР ИМЛОСИ<sup>1</sup>.

Рус тилида айириш — ь ва юмшатиш — ь белгилари нутқ товушини ифодаламайди, шунинг учун имло белги деб юритилади.

Айириш белгиси приставкадан (олд қўшимчадан) кейинги *я, ю, е, ё* ҳарфларидан олдин қўйилиб, бу ҳарфларнинг ҳар бири икки нутқ товушини (*йа, йу, йэ(е), йо (tonna)*) ифодалашига ишора қилиш учун хизмат қилади. Бундай сўзлардан ўзбек тилида қўлланадиганлари *уа, уи, уе, уо* ҳарфлари қўшилмалари билан ёзилади: съезд—*syезд*, разъезд—*razyезд*, объект—*obyekt*.

Эслатма. Рус тилига қабул қилинган *адъютант, адъюнктур* каби сўзлар ҳам юқоридаги қоида асосида ёзилади: *adyudant, adyunktura*.

<sup>1</sup> Кирилл алифбосидаги ўзбекча сўзларда *я, ю, е, ё* ҳарфлари янги ўзбек имлосида ҳамма вақт икки ҳарф билан, яъни: *я — уа, ю — уи, е — уе, ё — уо* тарзида берилади: оят—*ouat*, қуён — *quyon*, қаер — *qayer*, буюм — *buyum*.

Рус тили имлосида юмшатиш белгиси бир неча вазифада қўлланади, чунончи:

а) ўзидан олдинги ундош товушнинг юмшоқ талаффуз қилинишига ишора қилади (*табель, коньки*);

б) айириш белгиси вазифасини бажаради (*судья, ателье*);

в) отнинг „женский род“га мансуб эканлигини кўрсатади (*ночь, рожь, мышь*).

Юқорида кўрсатилган ҳоллардан биринчиси ва иккинчиси лотин ёзувига асосланган ўзбек тили имлосига алоқадордир:

1. Рус тили имлосида *Ж, Ш, Ц* ундошлари фақат қаттиқ, *Ч, Щ* эса фақат юмшоқ талаффуз қилинади. Бошқа ундош товушлар ўрнига қараб юмшоқ ҳам, қаттиқ ҳам талаффуз қилинади<sup>1</sup>, бу ҳол сўз маъноларини ҳам ўзгартиради, мисоллар:

Сўзларни қиёслаб талаффуз қилинг:

*уголь* (кўмир) — *угол* (бурчак), *сталь* (пўлат) — стал (ўрнидан турди), *ель* (арчанинг бир тури) — *ел* (еди), *банька* (кичик ҳаммом) — *банка* (идиш), *вес* (оғирлиги) — *вес* (барча) ва ҳоказо.

Ўзбек тилида ундош товушларнинг юмшоқ ёки қаттиқ талаффуз қилиниши маъновий аҳамият касб этмайди. Шунинг учун рус тилида сўзнинг охирида ёки ўртасида ўзидан олдинги ундошнинг юмшоқ эканлигига ишора қилган юмшатиш белгиси — *ь* ўзбек ёзувида ифодаланмайди: *мебель* — *mebel*, *фонарь* — *fonar*, *апрель* — *aprel*, *пальто* — *palto*, *сибирь* — *sibir*, *ноль* — *nol*, *госпиталь* — *gospital*.

2. Юмшатиш белгисининг айириш белгиси вазифасида қўлланиши.

Юқорида айириш белгисининг вазифасини баён қилиб, унинг қўлланиш ўрнини ҳам кўрсатган эдик. Юмшатиш белгиси айириш белгиси вазифасида қўлланганда айириш белгиси қўлланмаган бошқа ўринларда ёзилиб, бу белги ҳам ўзидан кейинги *я, ю, е, ё* ҳарфларининг икки нутқ товуши, яъни *йа, йу, йэ(е), йо* тарзида

1

Русча ёзувда ундошларнинг юмшоқлиги икки хил восита билан кўрсатилади: 1. Сўзнинг охири ва ўртасидаги ундош товушнинг юмшоқлиги ундошдан кейин юмшатиш белгиси ёзиб кўрсатилади: *мебель, пальто, коньки*. 2. Ундошнинг юмшоқлигига ундан кейинги *я, ю, е, ё* ҳарфлари ишора қилади.

айтилишини ифода қилади, мисоллар: судья — *sudya*, компьютер — *kompyuter*, пьеса — *pyesa*, ателье — *atelye*, рельеф — *relyef*.

Эслатма. Рус тилига бошқа тиллардан ўтган баъзи сўзларда айириш белгиси вазифасида қўлланган юмшатиш белгисидан сўнг *ё* ҳарфи ўрнига *о* ёзилади. Бундай сўзлар ўзбек тилида *уо* ҳарф қўшилмаси билан берилади: батальон — *batalyon*, почтальон — *pochtalyon*, бульон — *bulyon*, медальон — *medalyon*, павильон — *rovilyon*.

Рус тилида *йо* ҳарфлари билан ёзиладиган қуйидаги каби сўзлар ўзбек тилида *йо* (*yo*) билан берилади:

йод — *yod*, майор — *mayor*, Нью-Йорк — *Nyu-York*, Йошкар-Ола (шаҳар) — *Yoshkar-Ola*.

### Топшириқлар.

Ўқинг. Юмшатиш белгиси қайси вазифада қўлланилганлигини аниқлаб, янги ўзбек алифбосида кўчириб ёзинг.

Альпинист, шинель, бильярд, коньки, китель, эмаль, альбом, бульдозер, дизель, нефть, коньяк, интервью, кинофильм, кабель, пальма, фильтр.

Эслатма: *бильярд* сўзи рус ва инглиз тили имлосига асосланиб, ўзбек тилида икки шаклда берилляпти: *bilyard*, *billiard*.

Ўқинг. Сўзларнинг нега шундай ёзилганлигини тушунтириб беринг ва кўчиринг.

Alp tog'lari, Belgiya, Polsha, avtomobil, apelsin, asfalt, banderol, adyutant, adyunktura, delfin.

### **Я, Ю, Е, Ё ҲАРФЛИ ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР ИМЛОСИ.**

Таркибида *я, ю, е, ё* ҳарфлари бўлган ўзлашма сўзлар янги ўзбек имлосида қуйидаги икки усулда берилади:

1. *я, ю, е, ё* ҳарфлари икки товушни, яъни *йа, йу, йэ, йо* товушларини ифодалайди, янги ўзбек имлосида ҳам икки ҳарф билан кўрсатилади:

а) сўз бошида: январь — *yanvar*, юбилей — *yubiley*, ефрейтор — *yefreytor*.

б) унли товушдан кейин: баян — *bayan*, ноябрь — *noyabr*, июнь — *iyun*, клеёнка — *kleyonka*.

Изоҳ. Бу қоидадан: поэма—*poema*, дуэт—*duet*, дуэль — *duel* каби сўзлар мустасно бўлиб, *уе* эмас, *е* ёзилади: аэродром — *aerodrom*, гидроэлектростанция—*gidroelektrostansiya*.

в) Айириш ва айириш белгиси вазифасини бажарган юмшатиш белгисидан кейин келганда: бильярд — *bilyard*, *billiard*, адъютант — *adyutant*, интервью — *intervyu*, съезд— *syezd*, разъезд—*razyezd*, пьеса—*pyesa*.

2. Рус тили имлосида *а, э (е), о, у* унлилари олдидаги ундош товушнинг юмшоқ талаффуз қилиниши бу унлилар ўрнига *я, ю, е, ё* ҳарфларини ёзиш билан кўрсатилади. Бундай ўринларда янги ўзбек имлосида *я, ю, е, ё* ҳарфлари ўрнига *а, и, е, о (order)* унлилари ёзилади ва улар талаффуз қилинади, чунончи: октябрь—*oktabr*, костюм—*kastum*, алюмин қошиқ—*alumin qoshiq*, люфа—*lufa*, режиссёр—*rejissor*.

1-эслатма. Русча сўзларда фақат юмшоқ талаффуз қилинадиган *ч, щ* товуш-ҳарфларидан кейинги *ё* ҳарфи ўзбек имлосида икки сўзда *о'* ҳарфи билан берилади: счёты — *cho't*, щётка—*cho'tka*.

2-эслатма. Ундош товушлардан кейин келган *я, ю, е, ё* ҳарфлари ҳамма вақт ҳам юқорида кўрсатилгандек ёзила бермайди: уларнинг талаффузи эътиборга олиниб, *уа, уи, уе, уо* ҳарфлари билан бериладиган сўзлар ҳам бор, масалан:

словян—*slovyan*, бурят—*buryat*, актёр—*aktyor*, бюст—*byust*, бюро—*byuro*, дворянлар—*dvoryanlar*.

## Топшириқлар.

Ўқинг. Қавс ичидаги ҳарфлардан мосини қўйиб ёзинг ва нима учун шундай ёзганингизни юқоридаги қоидалар асосида тунтириб беринг.

sent(a, ya)br, za(o, yo)m, no(a, ya)br, biologi(a, ya), val(u, yu)ta, kast(u, yu)m, shl(u, yu)z, parash(u, yu)t, gl(u, yu)koza, po(e, ye)zd, boks(o, yo)r, akt(o, yo)r, l(u, yu)ks, kastr(u, yu)lka.

Ўқинг. Атоқли отларнинг ёзилишини билиб олинг.

Yerevan, Yevfrat (daryo), Lvov, Oryol (shahar), Pхenyan (shahar), Vyetnam, relyef, kayuta, gigiyena, salut, valuta, akkumulator, izolator, yashik, yasli, yubka, kompyuter, premyera, revolutsiya, byuro, gimnastorka.

**я, ю, е, ё ҳарфлари билан бошланадиган  
исм-шарифларнинг янги имлода қисқартириб ёзилиши.**

Кирилл алифбосида *Ямин, Юсуф, Ешимбет, Ёдгор* каби исмларни қисқартириб ёзишга тўғри келганда уларнинг биринчи ҳарфи олинади-да, улар шартли равишда қисқартиб ёзилганлиги учун нуқта қўйилади, масалан: *Я. Қурбонов, Ю. Султонов, Е. Носиров, Ё. Саъдиев.*

Мазкур қисқартиб ёзилган ҳарфларнинг ҳар бири таркибида икки нутқ товуши бор, янги ўзбек алифбосида эса бу товушларнинг ҳар бири икки ҳарф билан ифодаланди: я—*ya*, ю—*yu*, е—*ye*, ё—*yo*. Шундай бўлгач, бундай исмларни янги алифбода қисқартиб ёзишга тўғри келган ҳолларда улардаги биринчи товушни ифодалайдиган ҳарф ёзилади: *Yamin Qurbon — Y. Qurbon, Yunus Sultonov — Y. Sultonov, Yeshimbet Nosirov — Y. Nosirov, Yodgor Sa'diyev — Y. Sa'diyev.*

*Yorqinoy Yusuf qizi G'iyosova, Yelena Yegorovna Belskaya* каби исм-шарфлар *Y. Y. G'iyosova, Y. Y. Belskaya* шаклида ёзилади.

Исм-шарифларни (бунда исм ва ота исми назарда тутилади) қисқартириб ёзиш мумкин, аммо оғзаки нутқда қисқартиб эмас, тўлиқ айтиш нутқий одоб меъёрига мос бўлади: *Ҳ. Ҳ. G'iyosova* эмас, *Yorqinoy Yusuf qizi G'iyosova*.

Ниҳоят, шу ўринда қуйидагиларни ҳам кўрсатиб ўтишни лозим кўрдик.

Кирилл алифбо-имлоси икки нутқ товушини ифодалаб, ўзбекча сўзларда ҳамма вақт бўғин ҳосил қиладиган *я, е, ё, ю* ҳарфли сўзнинг биринчи ёки охирги бўғинини кўчиришга имкон бермас эди (бир ҳарф бўлганлиги учун), янги ўзбек имлосида мазкур ҳолларда бўғин кўчириш имконияти пайдо бўлди: *я, ё, е, ю* ҳарфлари ифодаланган икки товуш икки ҳарф билан ифодаланади: *Ya-shin, ya-rim, tu-ya, yo-nar, dar-yo, ye-lim, yu-vosh, olma-yu o'rik, ye-yapti, atel-ye, ye-yol-madi va hokazo*.

Кирилл алифбо ва имлосида ўзбек адабий тилида 6 та унли товуш, 10 та унли ҳарф бор,—деб таълим берилар, йолашган унлилар атамаси қўлланар эди, эндиликда она тили дарсларида бундай тушунтиришга эҳтиёж қолмади.

Мустақил Ўзбекистонда латин ёзувига асосланган алифбога қайта ўтилиши ўтмишда йўл қўйилган хатони тузатиш бўлди.

Ушбу алифбо ўзбек тили имлосини ўргатиш-ўрганиш ишларини бирмунча осонлаштирди, энг асосийси шуки, бу алифбода ўзбек тилига хос бўлмаган товушларни ифодаловчи ҳарфлар йўқ.

## **Ц ҲАРФЛИ СЎЗЛАРНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕК АЛИФБОСИ ВА ИМЛОСИДА БЕРИЛИШИ.**

1995 йил 6 сентябрда қўшимчалар киритилган латин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ўзбек адабий тилида қўлланадиган *ц* товушини ифодаловчи махсус белги — ҳарф қабул қилинмади (1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган алифбода мазкур товуш учун *s* ҳарфи (*sirkul*) олинган эди).

Ҳар бир тил ўзлашма сўзлар имлосини қабул қилувчи тилнинг алифбоси имкониятлари асосида ёзилишини қатъийлаштиради. Кирилл алифбосидаги *ц* ҳарфли сўзларнинг ёзилиши ҳам ана шундай ҳал қилинди; бу товуш дастлабки даврларда *чойнак*

сўзидаги *ч* товушини ифодаловчи ҳарф билан берилган, чунончи: царское правительство—*чор ҳукумати*, царизм—*чоризм*, церков—*черков*.

1927—1940 йилларда қўлланилган лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек алифбоси ва имлосида *ц* ҳарfli сўзларнинг *s* (*sex, sement*) ва *ts* ҳарфлари қўшилмаси билан (*ofitser*) ифодаланиши қоидалаштирилган эди. Ана шу қоида бизнинг давримизда қайта тикланди. Таркибида мазкур ҳарф бўлган сўзларнинг имлосини ўргатишда қуйидаги жадвал асосида иш олиб бориш тавсия қилинади.

***ц* ҳарфи ифодалаган нутқ товуши ўзбек тили имлосида икки усулда берилади:**

1. Қуйидаги ҳолларда <i>s</i> ҳарфи билан:	2. Унлилардан кейин <i>ts</i> ҳарфлари қўшилмаси билан:
а) сўз бошида: цирк — <i>sirk</i> , цех — <i>sex</i> , центнер — <i>sentner</i> , цемент — <i>sement</i> , Цейлон чойи — <i>Seylon choyi</i> .	лицей — <i>litsey</i> , милиция — <i>militsiya</i> , доцент — <i>dotsent</i> , конституция — <i>konstitutsiya</i> ,
б) ундошдан кейин: концерт — <i>konsert</i> , акция — <i>aksiya</i> , концерн — <i>konsern</i> , концепция — <i>konsepsiya</i> , Франция — <i>Fransiya</i> .	ассоциация — <i>assotsiatsiya</i> , аттестация — <i>attestatsiya</i> , диссертация — <i>dissertatsiya</i> , мотоцикл — <i>mototsikl</i> ,
в) сўз охирида: шприц — <i>shpris</i> , кварц — <i>kvars</i> , абзац — <i>abzas</i> .	Греция — <i>Gretsiya</i> .

**Изоҳ.** Ўзлашма сўзларда ундошдан кейинги *s*, унлидан кейинги *ts* товушлари қўшилмаси, одатда, сўз таркибида бўгин бошида қўлланади. Бундай ҳолларда улар бўгинга қуйидаги намунада кўрсатилгандек ажратилади ва бир қатордан кейинги қаторга кўчирилади:

*kon-sert, kon-sep-siya; li-tsey, mili-tsiya, federa-tsiya, asso-tsiatsiya.*

Бу товуш сўз ўртасида бўгин охирида учраса, мана бундай кўчирилади: *bots-man* (кемадаги кичик командир), *kans-ler*.

## Топшириқлар.

Ўқинг. Сўзларнинг имлосини тушунтириб беринг.

konsepsiya	assotsiatsiya
fransuz	kanalizatsiya
fraksiya	penitsilin
kolleksiya	politsiya
konferensiya	federatsiya
ssenariy	farmatsevtika
gidrostansiya	attestatsiya
	aviatsiya

Нуқталар ўрнига *s* ёки *ts* ҳарфларидан мосини қўшиб кўчириб ёзинг.

Konferen...iya, kon...ern, biomi...in, avia...iya, farma...evtika, ...ement, ...elluloza, de...imetr, ...ilindsimon, kon...ert, korpora...iya, telestan...iya, Shved...iya, publi...istika, gidrostan...iya.

## ФАМИЛИЯ ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР ИМЛОСИ.

Фамилиялар, одатда, *-ev (-eva)*, *-yev (-yeva)* ҳамда *-ov (-ova)* қўшимчалари билан ҳосил бўлади.

	<i>-ev (-eva)</i> , <i>-yev (-yeva)</i> қўшимчаларининг қўлланиш ўринлари	<i>-ov (-ova)</i> қўшимчасининг қўлланиш ўринлари
1.	Сўз асоси <i>sh</i> , <i>ch</i> , <i>y</i> товуш-ҳарфлари билан тугалланса: <i>Tosh—Toshev</i> , <i>Ergash—Ergasheva</i> ; <i>Qilichev</i> ; <i>Ubayeva</i> , <i>Husanboyeva</i> .	Сўз асоси <i>sh</i> , <i>ch</i> , <i>y</i> ҳамда унлилардан бошқа товуш-ҳарфлар билан тугалланса: <i>Turobova</i> , <i>Tolibov</i> , <i>Abdusamadov</i> , <i>Latifova</i> , <i>Solihova</i> , <i>Xalilov</i> , <i>Olimov</i> , <i>Nuriddinova</i> , <i>Toyloqov</i> , <i>Abrorova</i> , <i>G'iyosov</i> , <i>Maratova</i> , <i>Azizova</i> , <i>Ulug'ov</i> , <i>Sirojova</i> .
2.	Сўз асоси унли билан тугалланса: <i>Jo'rayev</i> , <i>Otayeva</i> ; <i>G'aniyev</i> , <i>Soliyeva</i> , <i>Vafoyev</i> , <i>Orzuyev</i> .	

## Topshiriq.

Исмларга мос фамилия ҳосил қилувчи қўшимчалар қўшиб кўчириб ёзинг, имлосини тушунтириб беринг.

Xolboy, Ubay, Hasan, A'lo, Murod, Abay, Tolib, Karim, Abbos, G'ozil, Qodir, Obid, Yarash, Do'st, Sobir, Ashir, Jalol, Abdusamad, Ma'mur, Omon, Yusuf, Soyib, To'ra, Qo'ldosh, Mustafo, Jo'ra, Vali.

Эслатма. *Yusuf, Orif, Sharif, Latif, Ma'ruf* каби исмлардан фамилия ҳосил қилинганда сўзнинг асосидаги *f* товуши *p* тарзида айтилса ҳам, аслига мувофиқ *f* ёзилиши тўғри бўлади: *Yusufova, Orifov, Ma'rufova...*

## ЁЗМА ҲАРФЛАРНИНГ ТУТАШТИРИЛИШИ.

Алифбодаги ҳарфлар ёзилиш шаклига кўра ёзма ҳарфлар ва босма ҳарфлар деб икки турга ажратилади. Буларнинг ҳар бири ёзилиш шакли ва қўлланиш ўрни жиҳатидан кичик ҳарфлар ва бош (катта) ҳарфларга бўлинади.

Ёзма ҳарфлар, одатда, қўлда ёзилади, босма ҳарфлар эса, асосан, ёзувга оид техника воситасида, шунингдек, қўлда ҳам ифодаланлади.

Кичик ва бош босма ҳарфлар расмий маъқулланган шаклда бир-бирига туташтирилмай, тик ёзилади. Ёзма ҳарфлар эса ўнг томонга 75—80 даража қия қилиб туташтириб ёзилади. Кичик ҳарфлар ўнг ва чап томонидан, бош ҳарфлар эса ўзидан кейинги ҳарф билан туташади.

Сўзда ёзма ҳарфлар бир-бири билан туташтирилиб, бир бутунлик — занжир ҳосил қилади. Аммо бу занжир сўзларда имло белгилари (тутуқ, кўчиш белгилари, чизиқча) бўлган ўринларда узилади, қўл ҳаракати тўхтаб, белгилар қўйилгандан кейин ҳаракат давом этади.

Мазкур белгиларни сўзни ёзиш жараёнида қўйиб бориш, ҳарфларнинг устига қўйиладиган ишорани эса сўзни ёзиб бўлгандан кейин, уни ўқиб туриб қўйиш тавсия қилинади.

Ёзма бош ҳарфларда қўл ҳаракати кичик ҳарфларни ёзишга нисбатан кўпроқ узилади: айрим ҳарфларнинг унсурлари қўшилади, туташтирувчи белгилар чизилади ва ҳоказо.

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги ёзма кичик ва бош ҳарфлар ёзувда бир-бири билан туташтирилиши жиҳатидан икки гуруҳга ажратилади:

— таркибида туташтирувчи унсури бўлган ҳарфлар;

— туташтирувчи унсури бўлмаган ҳарфлар. (Бундай ҳарфларга туташтирувчи унсур ёзув жараёнида қўшилади.)

Туташтирувчи унсурли кичик ҳарфлар ўздан кейинги ҳарф билан қаеридан туташтирилишига кўра уч гуруҳга бўлинади:

а) устки қисмидан туташтириладиган ҳарфлар: *σ, σ̄, υ*

(бундай икки чизиқ (асосий чизиқлар) орасига ёзиладиган ҳарфларнинг бўйи 4 мм, эни 3 мм бўлади);

б) ўрта қисмидан туташтириладиган ҳарфлар: *β, f* (икки чизиқдан юқорига кўтарилиб ёзиладиган ҳарфларнинг бўйи 8 мм, пастга тушадиганлари 7 мм, *f* нинг бўйи эса 11 мм бўлади).

в) остки қисмидан туташтириладиган ҳарфлар:

*a, d, e, k, l, h, l, m, n, z, t, u, x, z, sh, ch;*  
*g, j, p, q, y, q, ng.*

(*z* га унсур қўшиб, ўздан кейинги ҳарфнинг остки қисмига туташтирилади, бу унсурларни зарур ўринларда кўрсатиб қўйдик.)

**Кичик ёзма ҳарфларнинг ўнг ва чап томонидан туташтирилиши.**

Ҳарфларни туташтириб ёзиш дейилганда, одатда, кичик ва бош ҳарфларнинг ўздан кейинги ҳарфга — ўнг томонидаги ҳарфга туташтирилиши назарда тутилади. Аслида эса ҳарфлар ёзувда ҳар икки томонидан ҳам туташади. Бунга эришиш учун, айниқса, кичик ҳарфларни шакллантиришда чизилган чизиқ устидан қўл

ҳаракатини давом эттириб, туташувчи нуқтагача олиб бориш керак бўлади. Қуйида бу ишлар қандай амалга оширилиши тўғрисида тўхталамиз.

1. Остки қисмидан туташтириладиган ҳарфлар ўзидан олдинги ва кейинги ҳарфлар билан (бундан *ʒ, ʒ, x, ʒ* мустасно) қуйидагича туташтирилади, мисоллар:

*ma, mi, me, mu, ek, el, lekin, gul, juyda, yil, gʻalla, tenglik.*

2. Унли ҳарфлар ўзидан кейинги *ʒ, ʒ, x, ʒ* ҳарфларининг юқори қисмига туташтирилади; туташтириш жараёнида *ʒ, ʒ* ҳарфларининг юқори қисмида тугунчак ҳосил қилинади:

*azm, iz, ez, uz, oz, oʻz, ari, iri, erka, or, ur, oʻra, xōʻroz.*

Мазкур ҳарфларни *ʒ* билан туташтиришда туташувчи ҳарфнинг унсури билан *ʒ* нинг юқори қисми туташтирилиб, сўнг унинг этак қисми чизилади: *asta, is, usta, es; os, oʻs.*

3. *o, o, u* ҳарфлари — юқори қисмидан туташтириладиган ҳарфлар ўзаро ҳамда ўзидан кейинги остки қисмидан туташтириладиган ҳарфларнинг устки қисмидан туташтирилади: *ovoz, ana*

*kuuv, ovchi, ovora, omad, õzma, oila, ojiz,  
õgil, õq, oç, orpoq.*

4. *o, õ, u* ҳарфлари икки чизиқ юқорисига кўтарилиб ёзиладиган ҳарфлардан олдин келганда бу ҳарфларнинг ўртасига туташтирилади: *odam, ohi, okean, olmoq, õt, obbo, ofarin.*

5. *u* дан олдин *a, i, e, u* ҳарфлари келганда *u* нинг остки қисмига туташтирилади, мисоллар: *avval, ivit, evi*

*bilan, uvol;* *o, õ* ҳарфлари эса юқори қисмига туташтирилади: *ou, ovcharka.*

**Ҳарфни кўриш** — ўқишда аввал унинг юқори қисмига кўз тushади. Ана шу ҳолни эътиборга олиб, ҳарфларни туташтиришда имконият бўлган ўринларда уларнинг юқори қисмидан эмас, остки қисмидан туташтиришга, ҳарфнинг юқори қисмида чизиқчаларнинг имконият бор даражада оз бўлишига ҳам эътибор бериш зарур. Бунда биз ҳарфнинг ўзидан олдинги ҳарф билан туташтирилишини назарда тутдик.

### **БОШ ҲАРФЛАРНИНГ ТУТАШТИРИЛИШИ.**

Ёзма бош ҳарфларнинг бўйи 8 мм бўлиб, улар ўзидан кейинги кичик ҳарфлар билан туташтирилади.

Бош ҳарфлар ўз таркибида туташтирувчи унсури бор ёки йўқлигига кўра икки гуруҳга бўлинади:

— туташтирувчи унсурли бош ҳарфлар;

— туташтирувчи унсурсиз бош ҳарфлар. (Туташтирувчи унсурсиз бош ҳарфларга ёзиш вақтида унсур қўшилади).

Туташтирувчи унсурли бош ҳарфлар: *A, E, G, H, I, J,*

*K, L, M, N, O, P, U, X, Y, Z, G̃, Sh, Ch.*

( *ng* ҳарф бирикмасининг ёзма бош шакли ўзбекча сўзларда қўлланмайди: бу товуш билан сўз бошланмайди, баъзи чет сўзларда икки мустақил фонемани билдиради: *Ngiliy.*);

Туташтирувчи унсурсиз бош ҳарфлар:

*B, D, F, K, Q, P, S, T, U, O*

Бош ҳарфлар қаеридан туташтирилишига кўра икки турга бўлинади:

— ўрта қисмидан туташтириладиган бош ҳарфлар:

*A, I, Y, J, G, G̃*

— пастки қисмидан туташтириладиган бош ҳарфлар:

*E, B, D, F, H, K, L, M, N, O, P, Q, R, S, T, U,*

*V, X, Z, O, Sh, Ch.*

1. Ўрта қисмидан туташтириладиган бош ҳарфлар ўзидан кейинги икки чизиқ орасига ёзиладиган ҳарфларнинг устки қисмидан туташтирилади, мисоллар:

*Anzirat, Isa, Yulduz, Gulnor, Gulom.*

Бу ҳарфлар икки чизиқнинг юқорисига кўтариладиган ҳарфларнинг ўртасига туташтирилади:

*Akbar, Ilyos, Ikrom, Adham, Abdulla,  
Idris, Alixon, Ahmad Abdullayev, Afandi.*

Ўрта қисмидан туташтириладиган ҳарфлар *Л, Ҳ, Х, З* ҳарфларининг чап томонидаги чизиққа туташтирилади:

*Aziza, Arofot, Izrat, Azom, Islom.*

2. Остки қисмидан туташтириладиган бош ҳарфлар икки чизиқ орасига ёзиладиган ҳарфларнинг остки қисмидан туташтирилади:

*Omon, Vasila, Hakim, Tohir, Kamol, Lobar,  
Muhiddin, Qumri, Rahima, Ulfat, Xadicha, Bobir,  
Dilbar, Farhod, Nafisa, Olimjon, Pölat, Sobir,  
Olmas, Layniddin.*

Ёзма ва босма ҳарфларнинг 4 хилдан, одатда, 3 таси билан хат ёзилади ва ўқилади. Ёзма бош ҳарфлар билан ёзилмайди, деб айтган эдик. Аммо кейинги йилларда айрим газета ва журналларда баъзи сарлавҳаларни кирилл алифбосидаги ёзма ҳарфлар билан бериш кўзга ташлана бошлади, чунончи:

**БҮҲПЛАКҲҲЗОҲИМ**

( „Халқ сўзи“, 1996, октябрь )

# НАҚҚОШЛИК ТИҶАРАТИ

( „Бошланғич таълим“ журнали, 1996, 2-сон)

Ёзувнинг мураккаблашиши, шунингдек, ўқишда қийинчиликлар туғдиришини эътиборга олиб, ёзувнинг мазкур турини мактаб таълимига киритмаслик мақсадга мувофиқдир. Ёзувнинг бундай кўриниши „бадий ёзув“нинг бир тури ҳисобланиши мумкин.

Асосан, ёзув техникаси воситасида босма ҳарфлар билан ифодаланадиган ёзув икки хил бўлади:

- кичик ҳарфлар билан ифодаланган ёзув;
- бош ҳарфлар билан ифодаланган ёзув.

Буларнинг аввалгисига нисбатан кейингиси кам қўлланади. Таълимда, хусусан, мактаб таълимида, асосан, ёзма кичик ҳарфлар билан иш олиб борилади.

Бош ҳарфлар имло қоидалари талаб қиладиган ўринлардагина қўлланади.

Шиорлар, хитоб-чақириқлар, даврий матбуот ва китоблардаги бўлим ва ҳоказоларни билдирувчи сарлавҳалар босма бош ҳарфлар билан берилди. Бўлимнинг қисмларини ифодаловчи сарлавҳаларни босма кичик ҳарфлар билан бериш тавсия қилинади. Афсуски, баъзан бу икки хил ҳарф турини аралаштириб ёзиш ҳоллари ҳам учрайди. Бу ҳол ёзувдаги нуқсон ҳисобланади.

Босма бош ҳарфлар билан ёзилганда ҳарфлар бирикмаси билан ифодаланган товушларни билдирувчи ҳар икки ҳарф ҳам бош шаклда бўлади.

Босма кичик ҳарфлар билан ёзилганда, шунингдек, ёзма ҳарфлар билан ёзилганда ҳам, ҳарф бирикмасидаги аввалги белги (ҳарф) бош шаклда, кейингиси эса кичик ҳарф шаклида бўлиши керак.

Ҳуснихат талаблари ва қоидаларига амал қилиб ёзилган хатни киши тез ўқийди ва тушунади. Айни вақтда маънавий озиқ олади, кўнгли равшанлашади.

Ҳушхатлик — инсон кўрки. Бунда устознинг хати намуна бўлади.

ЯНГИ АЛИФБОДА СЎЗ, ГАП ВА МАТНЛАРНИ  
ЎЗИШ ВА ЎҚИШ.

i (и) i i i

i (и)

n (н) n n n n n

n (н)

in, in,

in IN

ninini,

inni,

a A (а) a a / / / / a a A A a A (а)

ana, ana,

ana ANA

Ana nina.

Ana innana.

N (H) N N N N N

N (H)

Nina ana.

Nina ana. NINA ANA.

Nina, ana in.

I (H) I I I I

I (H)

In ana

Innana ana.

Ana innana

Nina ana

o O (o) o o O O

o O (o)

ona,

non,

inon,

inon, INON

Ona,

Ona, ana non.

ng (HR) n n o o f f g g ng ng

ng (HR)

ongi,

ongi, ONGI

ing-ing

Omang ana.

eE(3) ee ee ll ll

eE(3)

ee

ll

en,

en, EN

ent,

enning,

eng,

eng, ENG

Eni,

Enning

ll (ll) ll ll ll ll

ll (ll)

*lola,*

lola, LOLA

*o,*

*oling,*

oling, OLING

*Lola ana.*

*Lola, noningni o.*

*Ali, ana ilonning ini!*

o õ (y) o o õ õ

o' O'(y)

õn,

õng,

o'ng, O'NG

õlan,

õnglan,

o'nglan, O'NGLAN

Moilaning õlani.

u U (y) u u 2 2 U U u U (y)

un,

unli,

unli, UNLI

uning,

ula,

Uning uni.

Unni elang, Noila!

Uni oling! Uni oling! UNI OLING!

m M (m) J J L L L L M M

m M (m)

mana.

Mai, ol.

Ma, ol. MA, OL.

Malla.

Mannon, olmani ol.

Ali, mana olma.

Meli, u nima?

tT (m) t t T T T T T

tT (T)

til,

til, TIL

ot,

tana,

tutun,

Tol möl.

Tol mo'l.

TOL MO'L.

Tomatni ling.

Mamatning oti.

alam tomi

q Q (k) o o f f q q O O x x Q Q

q Q (k)

qalam,

qalam, QALAM

qoqi,

qatqaloq,

Qin qani, Ali?

Qani, oling.

Qoti, qatlama qiling.

Qatig mól.



p P (n) / / 22 pp / / 00 pp

p P (n)

pul,

pilla,

pilla, PILLA

qoplamoq,

qopqoq.

Polat,

Po'lat, PO'LAT

Qop-qop pilla.

Pilla-tilla.

pilla, PILLA

Pattang qani, Qutbi?

d D (g) c c l l d d L L D D

d D (u)

dum,

don,

don, DON

dala,

Ana Dono.

Don-non.

Damin, ana dolana

r R (p) J J o o r r R R r R (p)

rom, rom, ROM

arwa,

tandir,

Robi, Robi, ROBI

Murod,

Radio bormi?

Raim otin arwaladi.

v V (B) 1 1 0 0 2 2 V V

v V (B)

vatan,

vatan,

VATAN

otava,

ot-avama,

vaqt,

vaqt,

VAQT

Ona - Vatanim obod bōlmogdi.

-Mima bōldi? - deb Vili ota o'rnidan turdi.

y Y (ü) 2 2 f f y y 2 2 f f y y

y Y (ü)

yöl,

öyin,

o'yin, O'YIN

maydon,

Yangi yöl.

Yamin, yöldä öynama!

A. Navoiy,

A. Navoiy, A. NAVOIY

Muqimiy,

Yomon odat.

g g (2) c c g g o o g g g G (1)

gul, gul, GUL

burgul,

Gulnor, Gulnor, GULNOR

Guli,

Pu olma guli

Gulandom gul terdi.

Gepri gapir ugganga!

g̃ ḡ (z) o o ʃ ʃ ḡ ḡ o o ʃ ʃ ḡ ḡ

g' G' (F)

gor,

g'or, G'OR

galla,

bog̃,

hog', BOG'

ḡani,

ḡayrat,

ḡalla orim-yigimi davom etmoqda

3 3 (c) 3 x x 3 3 2 2 3 3 s S (c)

sana,

soat,

soat, SOAT

osma soat,

Salima soat oldi. Solining soati bormi?

sentner,

sentner, SENTNER

Sayr qayerda boladi?

sh Sh (u) 3 3 1 1 2 2 sh sh Sh Sh

sh SH (u)

sholi.

sholi, SHOLI

shisha.

quyosh.

quyosh, QUYOSH

shudring.

shirin.

shirin, SHIRIN

shoira.

Tabib tabib emas, boshidan otgan tabib.

k K (K) l l R R k k T T r r K K

k K (K)

kak,

ko'k, KO'K

doka,

kulmoq,

kulmoq, KULMOQ

kapalak,

Komil,

Komil, KOMIL

Karima,

Karomat kamtar.

h H (x) l l r r h h 7 7 l l H H

h H (x)

hamma,

behi,

behi, BEHI

dehqon,

hamroh,

hamroh, HAMROH

Hakima,

Hokim,

Hokim, HOKIM

Hikoyat universitetda o'qiydi.

zZ (2) 77 11 22 77

zZ (3)

zar,

zurak,

aziz,

aziz, AZIZ

Zamira,

Zokir,

Zokir, ZOKIR

Zumrad uzum urdi.

Bola aziz, odobi undan aziz.

f F (ф) f f f f . . - F F f F (Ф)

fermer,

hafta,

hafta, HAFTA

fash,

Fotih,

Fotih, FOTIH

Fotima,

Farhod,

Farhod, FARHOD

Fozil fermada ishlayapti.

x X (x) o o c c x x o o c c X X

x X (x)

xat-xabar,

tuxum,

tuxum, TUXUM

xattaxta,

xolmat,

Xolmat,

Xolmat, XOLMAT

Buxoro-hunarmandlar shahri.

Xolida xatosiz yozadi.

j 7 (mc) j j 7 7 x x 7 7 j J (x)

joy,

joy, JOY

joyda,

anjir,

anjir, ANJIR

jurnal.

Jamila,

Jamila, JAMILA

Jannat onalar oyog'i ostidadir.

Aql dōst - jahl dushman.

ch Ch (ч) cc ch ch Ch Ch

ch CH (ч)

choy,

choy, CHOY

olcha,

olcha, OLCHA

chaman-chaman,

soch,

soch, SOCH

Chirchiq shahri.

Chamanoy chevar qiz

Chinobod kōrkam juymi?

Tutug belgisining qollanishi.

1 san'at,

jur'at,

an'ana,

mas'ul,

Tul'at,

2. ta'lim,

e'ton,

she'r,

shu'la,

Ra'no,

E'tibor,

Ne'mat,

Boshni fido qilgil ota boshiga.

Ismini qil sadqa ona goshiga.

Tun-kuningga aylagan nurosh,

Birisin oy angla, birisin quyosh.

Alisher Navoiy

Öqing Har bir sözdagi birinchi  
harfning yozma bosh va kichik  
shaklini yozing

Abduali	Kamol	Tohir
Bahodir	Latif	Umar
Davron	Mayul	Vazira
Erkin	Nermat	Xayri
Fozil	Orif	Yulduz
Gulchehra	Polat	Zarifa
Hokim	Qodir	Öktam
Ikrom	Rusul	Quyos
Jalil	Sulton	Shohida
		Chinnixon

## O'QISH, YOZISH KO'NIKMA VA MALAKALARINI MUSTAHKAMLASH UCHUN MATNLAR.

### „O'ZBEKISTON — VATANIM MANIM“ QO'SHIQLAR KO'RIK-TANLOVI QATNASHCHILARIGA.

Muhtaram yurtdoshlar, ko'rik-tanlov qatnashchilari!

Mustaqil mamlakatimizda birinchi marotaba o'tkazilayotgan ulkan qo'shiq bayrami — „O'zbekistonim — Vatanim manim“ ko'rik-tanlovi-ning barcha qatnashchilarini va g'oliblarini samimiy qutlayman.

Bu ko'rikda ming-minglab iste'dodlarning qatnashgani, mustaqillik, nurli kelajak va ona-yurt haqida yuragidan to'lib-toshib kuylagani chindan ham quvonchli hodisadir. Bu — ko'p yillar mafkuraviy tuzum zug'umi tufayli asoratda qolgan tafakkur va dunyoqarashning o'zgartirishini, O'zbekiston va o'zbek xalqining qadimiy shon-shavkati qayta tiklanganini ko'rsatdi.

Zamonlar o'taveradi, davrlar o'zgaraveradi, ammo Batan abadiy qoladi. Vatanni sevish, suyub ardoqlash, bor vujuding bilan jo'shib kuylash eng oliy baxtdir. Eng go'zal va eng dilbar qo'shiqlar ham Vatan haqidagi qo'shiqlardir. Bunday jozibador qo'shiqlar el-u elatlarni birlashtiradi, ularni tinch-totuv va osoyishta yashashga, Vatanni har jihatdan yuksaltirishga, ko'z qorachig'iday avaylab asrashga va ko'ksini qalqon qilib himoya qilishga da'vat etadi.

Ko'rik-tanlov o'z nihiyasiga etdi, deb o'ylaganlar xato qiladi. Aksincha, u endi boshlandi. Chunki tanlov davrida yaratilgan o'nlab maftunkor qo'shiqlar xalqimizning diliga ko'chdi, uning bebaho ma'naviy mulkiga aylandi, Vatanimizga bo'lgan cheksiz mehr-muhabbat yangi kuy-qo'shiqlarda o'zgacha aks sado berdi.

Aziz do'stlar!

Biz O'zbekistonimizni madh etgan qo'shiqlarni baralla kuylashdan hech qachon charchamaylik. Serquyosh diyorimiz va uning mehnatkash, mehmondo'st, mag'rur farzandlari haqidagi qo'shiqlar mangu yangrayversin! Alloh bizlarga nasib etgan kelajagi buyuk va qudratli Batanimiz hamisha omon, ostonasi doim nurli bo'lsin!<sup>1</sup>

Islom KARIMOV,  
O'zbekiston Respublikasi Prezidenti.

1

„O'zbekiston adabiyoti va san'ati“ 1996, 30-avgust. (O'zbekistonda qo'shiqlar ko'rik-tanlovi birinchi marta 1996-yilda o'tgan edi. Shundan keyin har yili avgust oyida o'tkaziladigan bo'ldi).

## AZIZ YURTIM.

Bu dunyoda chamanlar ko'p,	Chorlar ezgu yo'llar meni,
Bu dunyoda vatanlar ko'p.	Ajdodlarim qo'llar meni.
Barchasida yashnar gullar,	Bu vatanda to'kmasman yosh,
Barchasida yayrar dillar.	Bu vatanda egmasman bosh.
Mening uchun aziz bo'ston —	Mening uchun aziz bo'ston —
O'zbekiston, O'zbekiston!	O'zbekiston, O'zbekiston!

Sahrolar gul ochar senda,  
Samolar nur sochar senda.  
Yulduzlaring so'nmas hech,  
Bag'ringga g'am qo'nmas hech.  
Mening uchun aziz bo'ston —  
O'zbekiston, O'zbekiston!

*Mirpo'lat Mirzo.*

## AMIR TEMUR O'GITLARIDAN.

Millatning dardlariga darmon bo'l...

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir.

Qilmoqchi bo'lgan ishlarini qilmasdan qoldirmasinlar. Agar biror ishni qilmaslikka so'z berar ekanlar, yaqiniga ham yo'lamasinlar. Xotirdan chiqmasinkim, tangri taolo jasur kishilarni ardoqlaydi.

Kengash ikki turli bo'lur: biri — til uchida aytilgani, ikkinchisi — yurakdan chiqqani. Til uchida aytilganini shunchaki eshitardim. Yurakdan aytilgan maslahatni esa qalbm qulog'iga quyardim va dilimga joylardim.

Do'st-u dushman bilan murosalyu madora qildim.

Adolat va insof bilan tangrining yaratgan bandalarini o'zimdanda rozi qildim. Gunohkorga ham, begunohga ham rahm qilib, haqqoniyat

yuzasidan hukm chiqardim. Xayr-ehson ishlarim bilan odamlar ko'nglidan joy oldim.

Podsho saltanat ishlarida har kimning so'zini eshitsin, har kimdan fikr olsin. Qaysi biri foydaliroq bo'lsa, uni ko'ngil xazinasida saqlab, vaqtida ishlatsin.

Sodiq va vafodor do'st ulkim, o'z do'stidan ranjimaydi.

Aqlli dushman johil-u nodon do'stdan yaxshidir.

Agar dushmaning bosh egib panohingga kelsa, rahm qilib, yaxshilik va muruvvat ko'rsat. Garchi ishning qanday yakunlanishi taqdir pardasi ostida yashirin bo'lsa ham, aqli raso va hushyor kishilardan kengash-u tadbir istab, fikrlarini bilmoq lozimdir.

Yumshoqlik qilish to'g'ri kelsa, muloyimlik qildim, qattiqqo'llik ishlatish vaqti kelsa, qat'iy choralar ko'rdim. Shoshmaslik kerak yerda shoshmadim, shoshilarli ishlarni kechiktirmadim. Qaysi ishni chora-yu tadbir bilan bitirishning iloji bo'lsa, unga qilich ishlatmadim.

Kuch adolatdadir.

Chaqaloqlarni yig'latmangiz, bolalarga ozor bermangiz. Bu gunohi azimdir. Buni Alloh taolo xush ko'rmaydi.

Yorga yetkur, sabo, kim makr qilmishdir manga,  
Qildi ersa kimga makrin, qaytadur bir kun anga.

#### IBRATLI GAPLAR.

G'iybatchi kishiga aralashma, uzoqlash,  
G'iybatchi kishi tilida o't yonadi, ko'r.

Yana tamagir bilan yaqin bo'lma,  
Shubhasiz, u senga dushman bo'ladi.

Agar (biror) tamasi bo'lsa, bu tamagir  
Seni ini yoki aka deb ataydi.

Tamasiz yor-u birodar va do'st tutin,  
Sen ularga inongin va qayg'usiz yashagin.

Yomonga aralashma, ey ezgu kishi,  
Xulqing u barobarida yomon bo'ladi.

Do'st tutmoq oson, rioya qilmog'i qiyin,  
Dushman bo'lmoq oson, yarashmog'i qiyin.

*Yusuf xos Hojibdan.*

#### VATANDOSHIMIZ.

Islom diniy ta'limoti arablar diyorida dunyoga kelgan bo'lsa-da, tarix va taraqqiyotning hukmi shunday bo'ldikim, uning shakllanishi, rivoji boshqa xalqlar vakillari, xususan, Movarounnahr olimlari tomonidan amalga oshirildi. Imom Ismoil Buxoriy nodir qobiliyat, sermashaqqat izlanishlarni talab etuvchi hadisshunoslik sohasini tanladi. Uni ilmiy, mislsiz donolik va tarbiyani o'zida mujassam etgan yangi sohaga aylantirdi. Bungacha islom ta'limoti, madaniyati va tilini mukammal o'rgandi. Olim bu ilmlarni va arab tilini arablardan ham mukammalroq egallashga muvofiq bo'ldi.

*Ne'matulla Ibrohimov.*

#### DOIM MASHQ QILISH.

Ey farzand, agar dobir<sup>1</sup> va kotib bo'lsang, yozma nutqni yaxshi egallag'il, xatni yaxshi bilg'il va ko'p yozmoqni odat qilg'il, toki yaxshiroq, mohir bo'lg'aysan.

**Hikoyat.** Undoq eshitib edimki, Hojib Ismoil (Hojib Ismoil ibn Abbod — Buidlarning mashhur vaziri) shanba kuni devonxonada o'tirib, bir narsa yozar edi. Kotiblarga qarab: „Har shanba kuni o'zimning kotibligimda nuqson ko'raman, buning sababi shu jihatdanki, men har juma kuni devonxonaga kelmayman va hech narsa

---

<sup>1</sup> dobir — o'tmishda kishilarga turli xatlarni yozib beruvchi kishi.

yoʻzmayman. Bir kun to peshingacha xat yoʻzishni tark etganimning nuqsoni menga taʼsir qilur va xatimda nuqson koʻrurman“,— dedi.

Bas, ey farzand, hamisha xat yoʻzish bilan mashgʻul boʻlgʻil!

*Kaykovus, „Qobusnoma“ dan.*

#### IMOM TERMIZIY TOʻPLAGAN HADISLARDAN.

Ikki narsa borkim koʻpchilik ularning qadriga yetmaydi: birinchisi — sogʻliq, ikkinchisi — boʻsh vaqt.

Haqiqiy moʻmin deb xushxulq va ayoliga nisbatan xushmuomala kishiga aytiladi.

Paygʻambarimizdan bir kishi soʻrabdi:

— Ey Rasululloh, men kimni hurmat qilay?

— Oʻz onangni,— deb javob beribdilar paygʻambarimiz. U yana soʻrabdi:

— Onamdan keyin yana kimni?

— Onangni,— deb javob beribdilar.

Haligi kishi uchinchi marta soʻraganida ham „onangni“ degan javobni olibdi.

U kishi savolini toʻrtinchi marta qaytarganida paygʻambarimiz:

— Oʻz otangni, soʻngra yaqinlaringni va qarindoshlaringni,— deb javob beribdilar.

#### HIKOYAT.

Mirzo Ulugʻbekning farosati hamda xotirasining quvvati shu darajada erdikim, ov paytida biron jonivorga oʻq otib ov qilgudek boʻlsa, vaqtini eslab qolar, voqea qaysi kuni, qayerda sodir boʻlganligi, jonivorlardan qaysilari ovlanganini daftarga bitib qoʻyar edilar. Tasodifan oʻsha daftar yoʻqolib qoldi va qancha qidirsalar ham uni topolmadilar. Daftarni saqlovchilar sarosimaga tushdilar. Podshoh dedi:

— Tashvish tortmangiz, men daftarga yozilganlarni boshdan-oyoq yod bilurman.

Podshoh kotiblarni chaqirtirib aytib turdi, ular yozib oldilar. Yangi daftar to'lgan ham ediki, eskisi topilib qoldi. Har ikkala daftarni solishtirib, to'rt-besh ixtilofdan boshqa tafovut topmadilar. Ul hazratning iste'dodi va o'tkir zehni haqidagi naqlar juda ko'pdir.

*Davlatshoh Samarqandiyning  
„Tazkirat-ush-shuaro“ kitobidan.*

#### QO'SHIQ.

Tom ustiga tom soldim,	Duo oltin emasmi?!
Na charchadim, na toldim.	Hazilmas, chin emasmi?
Xalqimga xizmat qilib,	Aqli raso mard o'g'il
Bir olam duo oldim.	O'z vatanin demasmi?

#### SIZ NIMA QILAR EDINGIZ?

Ko'p qavatli binolar oralab ishdan qaytar ekanman, yig'lamoqdan beri bo'lib sarosimada turgan 11-12 yoshlar chamasidagi qizaloqning yonidan befarq o'tib ketolmadim. Uning qo'llarida qandaydir muqovalari kirlangan, sahifalari g'ijimlanib ketgan kitob... To'xtab qizchani savolga tutdim:

- Oting nima?
- Zulayho.
- Seni kim xafa qildi?
- Nargiza.

Zulayho o'zini tutolmay hiqillab yig'lab yubordi:

— Kecha tug'ilgan kuni edi. Men shu kitobni sovg'a qiluvdim. Qarang, bugun uni g'ijimlab, ataylab eshigimiz yoniga otib ketibdi...

— Yo'g'-e, balki bu boshqa kitobdir!..

— Yo'q, o'sha! Men sovg'a qilgan kitobning xuddi o'zi! Mana qarang, ichiga yozib ham qo'yuvdim!..

Kitobni Zulayhoning qo'lidan olib dastxatga ko'z yugurtirdim: „Sevimli dugonam Nargiza! Tug'ilgan kuning bilan chin dildan tabriklayman. Senga chinor umriday uzun umr, baxt va saodat tilayman. Dugonang Zulayho“.

Vujudim allanechuk bo'lib ketdi. O'sha qiz kitobga qo'shib Zulayhoning shu pokiza tilaklarini ham tuproqqa qorib tashlaganini sezdimikan?..

*Z. Egamberdiyeva.*

Nargizaning qilgan ishi haqida o'ylab ko'ring.  
Bu to'g'ridagi o'z fikringizni yozing.

#### SINCHKOVLIK.

Alisher bu katta bog'-hovlining har bir burchagini tomosha qilib uzoq yurdi. Daraxtlarning novdalariga osilgan rangdor qafaslardagi to'ti, bulbul, maynalarni maroq ila tomosha qildi. Ularning qafas ichida tinimsiz sayrashlarini, sakrashlarini uzoq kuzatdi. Qushlarga qarab yuradigan maxsus xizmatkorga ergashib, unga bitmas-tuganmas savollar berdi.

*Oybek.*

#### KURASH.

— Odamlar-u odamlar, tog'da bitgan bodomlar, eshitmadim demanglar! Bugun hamma Zulfiqor polvonnikiga to'yga-a-a!

Egar qoshiga to'n solib olgan jarchi guzarma-guzar ot o'ynatib, Xo'jasoat qishlog'i ahlini to'yga chorladi. Xiyol o'tmay, to'y bekasi otda eshikma-eshik yurib, xonadonlarni alohida-alohida aytib chiqdi.

\* \* \*

Gal maktab yoshidagi bolalarga, keyin o'smirlarga yetdi. Bir polvon yiqilsa, uning o'rniga oshnasi yo og'aynilaridan biri chiqadi. Qoni tortadi-da...

Or-nomus uchun kurash bolalikdan boshlanadi.

Qishloq odamlari o'zaro olishadi. Bordi-yu chetdan polvonlar kelgan bo'lsa-chi? Unda qishloqning jami polvonlari birlashib, ular bilan kurashadi. Odamlar kindik qonlari tomgan yer shon-sharafi, oriyati uchun olishadilar!

Vatan kindik qoni tomgan yerdan boshlanadi!

Bu davrada qishloqning barcha polvonlari bir taraf bo'lishadi. Negaki o'zga tumanlardan polvonlar ko'p kelgan. Polvonning to'yi-da! Kimsan Zulfiqor polvon to'y qilyapti!

*Tog'ay Murod.*

#### KIYIK BOLASI...

Shu vaqt daraxtlar orasidan otilib chiqqan kiyik Alisherni hidladi, erkalanib surkaldi. Alisher kiyikning bo'ynidan quchib, boshini silab ulgurmagan ham ediki, jonivor bir zumda yo'q bo'ldi.

— Seni tanir ekan, qurmagur, xo'b o'rgatibsan o'zingga,— dedi bolalardan biri.

— Rost, qoyilman! — deya ma'qulladi zavq bilan ikkinchi bola. — Hozir oldingda turgan kiyik otilgan o'qdek uchdi-ketdi, zap ziyrak, chopqir bo'ladi-da.

Alisher kulimsirab, kiyikning xulqi, qiliqlari haqida jiddiy so'zlay boshladi:

— Tog'am, ermak bo'lsin, deb dashtdan olib kelgan edilar. U kishi usta merganlar. Hayvonlarning, ayniqsa, kiyiklarning xulq-atvori, qiliqlari haqida maroq bilan hikoya boshlasalar, butun jahonni unutib yuboray deyman.

*Oybek.*

#### SEPIN YOZIB NAVBAHOR.

Navro'z eldan boshlanar,	Tog'lar qori yalt etar,
Navro'z dildan boshlanar,	Yerga iliq taft o'tar,
Navro'z guldan boshlanar,	Quyosh baxtni ahd etar,
Sepin yozib navbahor,	Sepin yozib navbahor,
Kelin bo'lar gul diyor.	Kelin bo'lar gul diyor.

*Nazarmat.*

#### AFANDI LATIFALARIDAN.

Kechasi Afandining mahallasiga o't ketib, aholi boshqa mahallaga ko'cha boshladi. Hamma ko'ch-ko'ronini aravaga ortib ko'chganda, Afandi bir sholcha, ikki ko'rpa, ikki bolishni orqalab yo'lga tushdi.

Yo'lda hammahallalardan biri Afandining ko'chini ko'rib so'radi:

— Bor ko'chingiz shumi? Bu qanaqa ro'zg'or?

Afandi javob berdi:

— To'rt qiz chiqarganning ro'zg'ori.

\* \* \*

Bir kishi masxara qilmoq niyatida so'rabdi:

— Afandim, oy yangi bo'lganda eski oyni nima qiladilar?

— Suratingga boqsam odamga o'xshaysan-u, ho'kizning aqlichalik ham aqling yo'q ekan-da, shuniyam bilmaysanmi, har doim yangi oy tug'ilganda eski oyni uzib, yulduz qiladilar.

#### VATAN MEHRI.

Madina shahrida ham boshqa shaharlardagi kabi vatandoshlarimiz bilan uchrashish, suhbatlashish va ularning uylarida mehmon bo'lishga ulgurdik. Turli mavzulardagi suhbatlarimiz asnosida vatan ishqiy yotardi, buni darrov sezib olamiz. Turkistonda tug'ilgan qariyalarni qo'yave-ring-a, ularning farzandlari va hatto nabiralari ham ota-bobolari tug'ilib o'sgan yurt haqida qiziqib so'raydilar, hamma narsani bilib olishni istaydilar. O'lkamizga bo'lgan havas va muhabbat ehtirosi ularning har biri qalbidan ufurib turishi ko'rinib turibdi...

*Qudrat hoji Ahmerov.*

#### HAZRATI INSON.

Jonli tabiatning ko'rki, sultoni hazrati Insondir.

Bundan bir yarim million yil muqaddam vujudga kelgan inson Yer kurrasiga alohida ko'rk berdi, uning rang-barang olamida o'ziga xos mahsulotlar bunyod etib, tabiiy hodisa va jarayonlarni yanada murakkablashtirdi.

XX asrning yarmida inson faoliyatining tabiat va atrof-muhitga ko'rsatgan ta'siri misli ko'rilmagan miqyosda oshdi va kengaydi. Ilmiy texnika taraqqiyotining keyingi yillardagi yutuqlari esa sayyoramizning hamma boylıklaridan hamda samoviy boylıklarning ayrim turlaridan foydalanishga imkon berdi. Shu kunlarda sayyoramizdagi quruqlikning

asosiy qismi (73 foizi) insonning doimiy istiqomat qilish va uzluksiz mehnat faoliyati uchun yaroqli deb baholanmoqda. Qolgan qismi esa aholining ommaviy joylashishi uchun noqulay tabiiy sharoitga ega deb qaralmoqda. Binobarin, ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotning ana shunday bosqichida tabiat boyliklaridan oqilona foydalanish va atrof-muhit sofligini ta'minlash zamonamizning muhim masalalaridan biri bo'lib qoldi.

*„Turkiston“ gazetasidan.*

\* \* \*

Olmani otdi nigorim: ol, dedi,  
Olma birla bu ko'ngilni ol, dedi.  
Men so'rasam olmasining rangini,  
Ne so'rarsan, olma rangi ol dedi.

*Alisher Navoiy.*

#### IQTISOD.

Iqtisod deb pul va mol kabi ne'matlarning qadrini bilishga aytiladi. Mol qadrini biluvchi kishilar o'rinsiz yerga pul sarf qilmaydi. O'rni kelganda pulni ayamaydi.

Saxovatning ziddi baxillik bo'lgani kabi iqtisodning ziddi isrofdir. Alloh taolo isrof qiluvchilarni suymas.

Iqtisodga rioya qilgan kishilar hamma vaqt tinch va rohatda yashaydilar.

*Abdulla Avloniy.*

#### MAQOL VA MATALLAR.

Nojo'ya o'yin sindirar bo'yin.

It tomga chiqqani bilan  
Egasidan yuqori bo'la olmaydi.

Yigitdan ot qolsin yo zot.

Temirchidan ko'mir so'rama.

Kichikni maqta, kattani saqla.

Kirishdan oldin chiqishni o'yla.

Oqqina tovuq go'ng sochar,  
O'z aybini o'zi ochar.

Supaning to'ri bo'lmaydi.

„Kel-kel“ning „ket-ket“i ham bo'ladi.

Qatiq to'kilsa ham, yuqi qoladi,  
Ayron to'kilsa, nesi qoladi?!

Yo'g'on cho'ziladi, ingichka uziladi.

Yotsang yotib qolasan, yursang yurib qolasan.

Og'zingni so'kishga o'rgatma,  
Qo'lingni — yomon ishga.

Qoplab olsang, ko'plab berasan.

Yugurgan quruq qolmas.

Qo'li tekkanning og'zi tegadi.

Dehqon ekkanini yer, xaridor — xohlaganini.

#### SOLIQ NIMA?

Soliqlar davlatning korxonalar va tashkilotlar, har bir fuqaro topgan daromadidan foiz miqdorida undiriladigan pul mablag'idir. Soliqlar davlat budjetini hosil qiladi.

Davlat sarmoyasi iqtisodni bir tekis yurgizish imkonini beradi.

Minglab tadbirkor va korxonalar, tashkilotlar, firmalar o'z foydalaridan davlatga soliq to'laydilar. O'z navbatida davlat xizmat-

chilariga undan maosh to'laydi va boshqa zaruriy xizmatlar uchun to'lovlarni amalga oshiradi.

Davlat budjeti hukumatning har yilgi daromad va xarajatlari hisobidir. Davlat budjetining asosiy vazifasi moliyaviy vositalar yordamida iqtisodni samarali rivojlantirish va umumdavlat miqyosidagi vazifalarni hal qilish uchun sharoit yaratishdir.

Budjetning o'zi ikki qismdan iborat bo'ladi, ya'ni daromad va xarajatlarni tashkil etadi. Olingan soliqlar davlat budjetining daromadi bo'lib, u obodonlashtirish, madaniyat ishlari, sog'liqni saqlash, maktab-maorif, ijtimoiy ta'limot sohasidagi chora-tadbirlar uchun ishlatiladi.

#### MUSAVVIRLAR ZIKRI.

Mashhur musavvirlardan biri Shoh Muzaffar bo'lib, u ustod Mansurning o'g'li edi. Sulton Abusaid zamonida ustod Mansuridan yaxshiroq musavvir yo'q edi. Mo'yqalami ingichka va nozik bo'lib, Shoh Muzaffardan boshqa hech kimning mo'yqalami noziklikda unikiga tenglasholmasdi. Olishuv manzaralarini g'oyat puxta ishlagan, ammo Shoh Muzaffar bu sohada undan ko'p marotaba o'zib ketgan. Shoh Muzaffarning mo'yqalami g'oyat nozik, sof, nafis va pishiq bo'lib, tomoshabinning ko'zini qamashtirardi. U yigirma to'rt yoshida vafot etdi va o'z umri mobaynida sakkizta to'plamni tamomlashga ulgurdi. Uning chala qolgan rasmlari ham ba'zi odamlarda topiladi va bu san'at ustalari ularni g'oyat qadrlaydi.

Kamoliddin Behzod ham musavvirlarning ustози edi. Uning qo'li Shoh Muzaffarnikichalik nozik bo'lmasa-da, lekin qalami unikidan pishiqroq, chizgan rasmining tarxi va tuzilishi unikidan afzalroq edi.

Qadimul ayyomda Iroq podshohlari sulolasi davrida Hoji Abdulhay degan kishi yashab o'tgan. Bu san'at ahlining e'tiqodiga qaraganda, u valiy bo'lgan ekan. O'z umri oxirida u tavba qilib, har joyda o'z ishlarini topsa, ularni o'chirgan yoki kuydirib tashlagan ekan. Shu sababli uning ishlaridan ozginasi saqlanib qolgan va g'oyat noyobdir. Mo'yqalamining soffligi, nozikligi va pishiqligi, balki tasviriy san'atning barcha sifatleri bo'yicha unga o'xshash boshqa odam paydo bo'lmagan. Hoji Abdulhaydan keyin Shoh Muzaffar va Behzod bo'lib, ulardan

keyin to bizning kunlarga ularga teng keladigan boshqa kishi paydo bo'lmadi. Bu har ikkalasini Amir Alisher tarbiyat qilgan.

*Mirza Haydarning „Tarixi Rashidiy“ kitobidan.*

\* \* \*

Vatanni sev, tuprog'ini o'p,  
Har qarichi muqaddas bizga.  
Cho'lidagi hatto quruq cho'p  
Jondan aziz yuragimizga.

*Oybek.*

#### VIJDON.

Vijdon deb ruhimizga, fikrimizga ta'sir qiladigan hissiyot, ya'ni sezgi, tuyg'udan iborat ma'naviy quvvatni aytamiz. Biz har vaqt o'z faoliyatimiz va harakatimizning yaxshi va yomonligini, foyda va zararligini tinimsiz kuzatib, uni baholab boramiz. Vijdon insonning aql va farosatining haqiqiy mezoni bo'lib, bu tarozi vositasida o'z kamchiliklarini o'lchab bilish bilan birga boshqalarning ham fe'l-atvorini sezib olish mumkin. Agar qilgan ishi shariat, aql va hikmatga muvofiq bo'lsa, tahsinga sazovordir. Qabohat va yomon ishlarni qilsa, odamlar nafratiga duchor bo'lur. Vijdon yaxshi xulqlarning manbai bo'lganligidan vijdon sohiblari har bir ishni beg'araz, xolis niyat bilan amalga oshiradilar. Shu sababli ular har kim nazarida maqbul va suyuklidurlar. Ammo vijdonsiz kishilarning ishlarida, niyat va amallarida oshna va hamtaboqlariga nisbatan yashirin bir g'arazlari bo'lganidan har vaqt hasrat va nadomat chekib, vijdon azobiga giriftor bo'larlar.

*Abdulla Avloniy.*

#### O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI XODIMLARIGA.

Aziz o'qituvchilar, mehribon murabbiylar!

Sizlarni kasb bayramingiz — „O'qituvchilar va murabbiylar kuni“ munosabati bilan chin ko'ngildan samimiy tabriklayman.

Dono xalqimiz sharqona ehtirom bilan sizlarni USTOZ deb e'zozlaydi. Zero yoshlarning qalbini uyg'otadigan, ularning yuraklarida iste'dod buloqlarini ochadigan, insonning o'zligini tanitadigan Siz — ustozlarsiz.

Aziz ustozlar! Vatanimiz, mustaqillikka erishgandan so'ng oradan o'tgan davr ichida tariximizning o'qilmagan sahifalaridan, madaniy va ma'naviy me'rosimizdan yosh avlodni ogoh etish, ularda vatanga bo'lgan mehr-muhabbatni tarbiyalash, o'zlikni anglash, shuningdek, dunyo taraqqiyotidan bahra olib davlatimizni rivojlangan mamlakatlar qatoriga olib chiqadigan vorislar yetishtirish borasida sizning hissangiz beqiyosdir.

Ilm-u ma'rifatda, manaviyatda jahonga mashhur bo'lgan sharqona maktabimiz bor. Ana shu ulkan darsxona an'analarini jahon andozalari bilan boyitib, uni takomillashtirib, yosh avlod ongiga singdirib borsangiz, ulardan ruhiy va jismoniy sog'lom avlod yetishtirsangiz, haqiqiy vatanparvarlik burchingizni ado etgan bo'lasiz.

Ma'naviyati yuksak, vataniga sodiq avlodni tarbiyalashdek mashaqqatli, shu bilan birga, faxrli faoliyatingizda ulkan muvaffaqiyatlar tilayman va barchangizga Allohdan sihat-salomatlik, oilangizga totuvlik so'rayman. Shijoat, fidoyilik, izlanuvchanlik sizlarning hamisha hamrohingiz bo'lsin.

Islom KARIMOV,  
O'zbekiston Respublikasi Prezidenti.

## МУНДАРИЖА

Муқаддима . . . . .	4
Нутқ товушлари ва уларнинг ифодаланиши . . . . .	14
Нутқ товушларининг пайдо бўлиш ўринлари . . . . .	21
Унли товушларнинг пайдо бўлиш ўрни ва имлоси . . . . .	21
Ундош товушларнинг пайдо бўлиш ўринлари . . . . .	26
Имло белгилар . . . . .	31
э, е ҳарфлари имлоси . . . . .	35
Айириш ва юмшатиш белгилари ўзлашма сўзлар имлоси . . . . .	36
я, ю, е, ё ҳарфли ўзлашма сўзлар имлоси . . . . .	38
ц ҳарфли сўзларнинг янги ўзбек алифбоси ва имлосида берилиши . . . . .	41
Фамилия ҳосил қилувчи қўшимчалар имлоси . . . . .	43
Ёзма ҳарфларнинг туташтирилиши . . . . .	44
Кичик ёзма ҳарфларнинг ўнг ва чап томонидан туташ- тирилиши . . . . .	45
Бош ҳарфларнинг туташтирилиши . . . . .	47
Янги алифбода сўз, гап ва матнларни ёзиш ва ўқиш . . . . .	51
Ўқиш, ёзиш кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш учун матнлар . . . . .	81

**Y. Abdullayev, Sh. Yo'ldosheva**

Yangi alifbo va imlo: (o'quv qo'llanma).— T.:  
„O'qituvchi“, 2000.— 96 b.

I. Avtordosh

BBK 81.2 O'z—922

**YO'LDOSH ABDULLAYEV, SHAROFAT YO'LDOSHEVA**

**YANGI ALIFBO VA IMLO**

**(o'quv qo'llanma)**

*Toshkent „O'qituvchi“ 2000*

Tahririyat mudiri *G. Nasriddinova*

Muharrir *S. Xo'jahmedov*

Badiiy muharrir *Sh. Xo'jayev*

Texnik muharrir *S. Tursunova*

Musahhah *A. Ibrohimov*

IB № 7352

**Original-maketdan bosishga ruxsat etildi 9.12.99.** Bichimi 70x90/16 Tip. qog'ozi. Kegli 10 shponli. Tayms garmaturasi. Yuqori bosma usulida bosildi. Shartli b. t. 7,02. Shartli kr.-ott. 7,605. Nashr. t. 6,83. 5000 nusxada bosildi. Buyurtma № 377. Bahosi kelishilgan narxda.

„O'qituvchi“ nashriyoti. Toshkent-129, Navoiy ko'chasi, 30. Shartnoma 24—39—97.

**Original-maket „O'qituvchi“ nashriyotining kompyuter bo'limida tayyorlandi.**

**O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasining Toshkent kitob-jurnal fabrikasida chop etildi.** Toshkent, Yunus-Obod dahasi, Murodov ko'chasi 1-uy.